Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 134 (3635).
14 ЧОРШАНБА ИЮНЬ 1978 Й.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

МУВАФФАҚИЯТНИ МУСТАҲКАМЛАБ

Шу йилнинг бошланишида Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери Анатолий Степанович Жилкин етакчилик қилаётган қолипчилар бригадаси Тошкент экспериментал ҳайкалтарошлик ишлаб чиқариш бирлашмасида «Ишчи вақтини бекор сарфланишига чек қўйайлик!» ташаббуси билан чиққан эди. Бу аҳил коллектив меҳнатни юқори савияда ташкил қилиш, иш жараёнида ўзаро ҳамкорлик туфайли катта муваффақиятларни қўлга киритмоқда. Шу боисдан ҳам бригада комбинатда пешқадамликни қўлдан бермай келяпти.

БУГУН

А. С. Жилкин етакчилик қилаётган бригада беш йиллик топшириқни бажарганлиги ҳақидаги рапортга имзо чекди. Александр Степанович Пастухов ва Николай Федорович Степанов етакчилик қилаётган бригадалар ҳам ана шундай юксак маррани эгаллаш арафасида турибди. Умуман комбинат коллективи СССР янги Конституцияси қабул қилинган кунга қадар уч йиллик топшириқни бажариш ниятида фидокорона меҳнат қилмоқда.

ШАҲАР—ҚИШЛОҚҚА



Топшириққа қўшимча

«Узсельхозтехника»нинг Қўйлиқдаги тажриба ремонт механика заводи дарвозасидан ҳар куни Тошкент юк товар станциясига ремонтдан чиққан двигателларни ортган юклаб машиналар йўл олади.

Завод ишчилари, инженер-техник ходимлари беш йилликнинг учинчи йилида фондлар самарадорлигини ўстириш, илғор тажрибаларни кенг ёйиш, ишчи кадрларнинг малакасини ошириш орқали ўтган йилдагидан 700 та кўп двигателни ремонтдан чиқаришга аҳд қилиб, меҳнат суръатларини оширишяпти.

БУГУН

корхона коллективининг йил бошидан беон ремонтдан чиқариб буюртмачиларга юборган двигателлари 3200 тага етди. Бу маҳсулотнинг 100 тадан ортиғи топшириққа қўшимча тайёрланди.

Шу йил бошида заводда двигателларнинг ёнилғи насослари, плунжерлари ва поршен группаларини тайёрлаш йўлга қўйилиб, тайёрланаётган эҳтиёт қисмлар номенклатураси кенгайди. Мотор цехида ёнилғи насосларини тайёрлаш учун конвейер жорий этилди.

Корхонада беш йилликнинг учинчи йили топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун кенг қулоч ёйган социалистик мусобақада мотор цехидаги Т. Мирзаев бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси намуна бўляпти.

Тошкент трактор заводининг коллективи бу йил меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини 14.8 процентга кўпайтиришга аҳд қилган. Корхона планга қўшимча 2.5 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаради.

СУРАТДА: корхона йиғув конвейерининг умумий кўриниши.

Ш. Иброҳимов фотоси. (ЎзТАГ).

СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚА ҒОЛИБЛАРИГА ТЕНГЛАШАЙЛИК

• *Қурилиш майдонида*

Злобинчи бригада ғалабаси

«Главташкентстрой»га қарашли 6-қурилиш тресги 70-қурилиш бошқармасининг Василий Енин бошлиқ комплекс бригадаси аъзолари Ўрол Тансиқбоев массивида 1568 ўринли мактаб биноси қурилишида Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Николай Злобиннинг бригада пудрати методи бўйича ишлаб, кунлик топшириқларини ошириб бажаришга эришди.

БУГУН

коллектив комплекс қурилишидаги барча монтаж ишларини муддатидан илгари тугаллади.

Бригада эришган муваффақиятга электр пайвандчилар Анатолий Бондарь, Мурод Шерматов, бетончи Абдуваҳоб Исаев ва ғишт терувчи Михаил Корнев каби пешқадамлар катта ҳисса қўшдилар.

Шу кунларда объектда Пардозлаш трести 29-қурилиш бошқармасининг жилокорлари пардоз ишларини юқори суръатда амалга оширишмоқда. Улар объектни июнь ойи охирига қадар қўлдан чиқариш ниятидалар.

• *Мажбуриятлар изидан*

ИЛҒОРЛАР ТАЖРИБАСИ—БАРЧАГА

Киров ва Собир Раҳимов районлари индустриясининг меҳнаткашлари беш йилликнинг учинчи йилида ўзаро мусобақалашиш тўғрисидаги шартномада қайд этилган мажбуриятларини бажара бориб, беш ойлик давлат планини муддатидан илгари бажардилар. Топшириққа қўшимча 6.4 миллион сўмликдан зиёд саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Бу мажбуриятларда шу даврга мўлжалланган кўрсаткичдан юқоридир. Шу билан бирга Киров районида саноат ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг ўсиш суръати 5,2 процентни, Собир Раҳимов районида 7,1 процентни ташкил этди.

Кенг истеъмол буюмларини ишлаб чиқариш, металл, ёнилғи, электр энергиясини тежаш, янги техникани жорий этиш ва ўзлаштириш, оталиқдаги қишлоқ хўжаликларига самарали ёрдам бериш бўйича мажбуриятлар ортиғи билан адо этилди.

Ушбу районлар ўртасидаги мусобақа якунлари тўғрисида бугун газетанинг иккинчи саҳифасида батафсил ҳикоя қилинади.

Шаҳримизнинг Ҳамза ва Куйбишев, Октябрь ва Чилонзор, Ленин, Фрунзе ва Сергели районларидаги корхоналар ўртасидаги мусобақа якунлари ҳақида газетанинг навбатдаги сонларида ҳикоя қилинади.

ПОЙТАХТИМИЗНИНГ БИР КУНИ

• *Дўстлик қонуни билан*

ИВАНОВОДА—«ЎЗБЕКИСТОН»

Серқуёш республикамиз вакиллари РСФСРнинг ноқоратупроқ ўлкасини ўзлаштиришга катта ҳисса қўшишяпти. Иваново областида мелиорация ва қурилиш-монтаж ишларини жадаллик билан амалга ошираётган бинокорлар ўтган йиллар ичида 25 миллион сўмликдан зиёд қурилиш ишларини амалга оширдилар.

Иваново ва республикамиз пойтахти меҳнаткашлари ўртасидаги дўстлик алоқалари ҳам йил сайин мустаҳкамланмоқда. Шаҳарнинг марказий кўчаларидан бири Тошкент номи билан аталади.

БУГУН

шаҳар марказида сабзавот ва мевалар билан савдо қиладиган «Ўзбекистон» магазини очилди.

Ойна ва бетондан бунёд этилган бинода ўзбек миллий нақшларидан ҳам унумли фойдаланилган. Магазин пештахталарида эса республикамизда етиштирилган сабзавот ва мевалар сотилмоқда.

САКСОНТА УЙГА ЕТАРЛИ

1-ғишт заводлари бошқармасининг буюртмачилари доираси кенгайиб бормоқда. Шаҳримиздаги барча қурилиш трестлари, республика қишлоқ қурилиши министрлигининг 23-тресги, Тошкент областида бунёд этилаётган сув иншоотлари ана шу корхонанинг маҳсулотини ишлатмоқдалар.

БУГУН

барча буюртмачиларнинг илтимосини бажо келтираётган корхона коллективи йил бошидан буён тайёрлаб чиқарган ғишти 20 миллион донадан ошди.

Ана шунча маҳсулотдан ўрта ҳисобда тўрт қаватли бўлган 80 та уй-жой биносини бунёд этиш мумкин. Корхона коллективи айни пайтда маҳсулотни реализация қилиш бўйича ярим йиллик топшириқни ҳам адо этди.

• *Пўлат излар шунқорлари*

ЎН МИЛЛИОН ТОННА ЮК

БУГУН

Тошкент темир йўл бўлинмасига қарашли корхоналарнинг машинистлари йил бошидан буён мамлакатимизнинг турли шаҳарларига етказиб берган халқ хўжалик юклари ўн миллион тоннадан ошиб кетди. Ана шунча миқдордаги юк 220 мингдан ортиқ темир йўл вагонига юкланди. Пўлат изларнинг миришкорлари юкларни вагонларга зичлаб жойлаштириш натижасида бир неча минглаб вагонларни тежашга эришмоқдалар.

Ҳозирги пайтда темирйўлчилар муҳим ишга киришдилар. Улар Тошкент областининг колхоз ва совхозларида етиштирилган эртаги сабзавот маҳсулотларини мамлакатимизнинг узоқ манзилларига таший бошладилар. Нозу-неъмат ортилган темир йўл составлари Узоқ Шарқ, Байкал-Амур магистрали Шарқий Сибирь. Марказ йўналишларидаги шаҳарларга кириб бормоқда.

Темирйўлчилар пишиқчилик мавсумининг дастлабки кунларидаёқ 1000 тоннадан зиёд карам ва помидорни ташишга улгурдилар.

БУТУНИТТИФОҚ МУСОБАҚАСИ ҒОЛИБИ

БУГУН

Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг медицина-санитария қисми коллективи ўртасида хушхабар тарқалди. Бу коллектив ўтган йили мамлакатимиз бўйича медицина муассасалари ўртасида ўтказилган социалистик мусобақада ғолиб чиқди. Корхона ишчи ва хизматчиларига медицина хизмати кўрсатишда яхши натижаларга эришганлиги учун бу коллективга СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги ва медицина ходимлари Бутуниттифоқ касаба союзлари Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи берилди.

Бирлашма медицина-санитария қисмининг бош врачи И. Эргашев мухбиримизга қуйидагиларни маълум қилди:

— Ҳозирги пайтда бизнинг ихтиёримизда 8 та профилактик соғломлаштириш пунктлари ишлаб турибди. Уларда 1321 врач, ҳамшира, санитарка авиасозларга хизмат кўрсатмоқда. Учта поликлиника ва 900 та койкаси бўлган шифохоналаримиз ҳозирги замоннинг энг такомиллашган техника воситалари билан жиҳозланган. Келгусида бир кунда 500 аёл даволанадиган консультация. 400 ўринли янги касалхона, 400 ўринли санаторий-профилакторий қурилиши мўлжалланмоқда.

Коммунист Холида Тожиева химия-фармацевтика заводи таблеткали дори-дармонлар тайёрлаш цехининг зарбдор ишчиси. У беш ойда йиллик топшириқни муддатидан илгари адо этиб, ҳозир келаси йил ҳисобига меҳнат қилмоқда. Корхонада бундай пешқадамлар сафи кун сайин кенгайиб бормоқда.

СУРАТДА: Х. Тожиева.

М. Нуриддинов фотоси.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● ЧКП Марказий Комитети ва ЧССР ҳукуматининг таклифига биноан дўстлик визити билан Прагага бораётган МХРП Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Монголия Халқ Республикаси Буюк Халқ Хурали Президиумининг Раиси Ю. Цеденбал бошчилигидаги Монголия Халқ Республикаси партия-ҳукумат делегацияси 12 июнь куни Москвага келди.

Делегация 13 июнь куни Прагага жўнаб кетди.

● Макеевка шаҳрига Меҳнат Қизил Байроқ ордени топширилишига бағишланган тантанали мажлис ҳақида ҳисобот эълон қилинган.

Катта кўргазма учун

БУГУН

республика маҳаллий саноат министрлигига қарашли бадиий конструкторлик-технологи я бюросининг рассомлари яна бир катта кўргазма учун экспонатлар тайёрлашга киришдилар. Бу виставка шу йилнинг ноябрь-декабрь ойларида Ватанимиз пойтахтида амалий санъат бўйича ўтказилади. Конструкторлик бюросининг рассомларидан Р. Раимқулова, К. Туробов, Г. Сердюк, Н. Нам, О. Белякова ва бошқалар ана шу кўргазма учун керамика ва бадиий каштачилик бўйича экспонатларни тайёрлай бошладилар. Виставканинг бўлажак экспонатлари яқин ойларда Москвага юборилади.

Бадиий устахонанинг рассомлари тайёрлаган нафис ва жозибали буюмлар жуда кўп халқаро ярмаркаларда ва кўрикларда намойиш этилган. Айниқса Лейпциг Познань, Дамашқ шаҳарлари, Англия, Венгрия мамлакатларида бўлган виставкаларда ўзбек усталарининг буюмлари муносиб мукофотлар билан тақдирланган.

ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ БИНОКОР КАДРЛАР ЕТИШТИРАЙЛИК

Мамлакатдаги қарийб икки мингта ўрта ҳунар-техника билим юрти малакали бинокор ишчилар тайёрлаб чиқаради. Кейинги ўн йил ичидагина ана шу ўқув юртларининг шохобчалари бир ярим баравар кўпайиб, ўқувчилар сони эса икки баравар ортди. СССР Министрлар Совети Ҳунар-техника таълими давлат комитети раисининг ўринбосари А. Н. Осипов 13 июнь куни Тошкентда очилган ана шу система ходимларининг Бутуниттифоқ кенгашида қилган докладида шу фактларни келтирди. Кенгаш КПСС XXV съезди талаблари ҳамда КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг «Ҳунар-техника таълими системаси ўқувчиларига таълим ва тарбия бериш жараёнини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори асосида бинокорлик касбларидаги ишчилар тайёрлаш сифатини ошириш масалаларига бағишланди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари Л. Н. Греков кенгаш катнашчилари ҳузурида нутқ сўзлади.

Кенгаш ишида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Р. Ҳ. Абдуллаева иштирок этмоқда.

(ЎзТАГ).

ФАРЗАНДЛАР ҲАҚИДА ҒАМХЎРЛИК

Киров район Совети ижроия комитети район меҳнаткашлари фарзандларининг ёз мавсумида мароқли дам олишлари тўғрисидаги масалани апрель ойидаёқ кўриб чиққан эди. Шунда райондаги пионер ва ўқувчиларнинг мароқли дам олишини ташкил этишга қаратилган тадбирлар комплекси белгиланди.

Бу тадбирларни тўла-тўкис амалга оширишни район Советининг депутатлари ўз зиммаларига олдилар. Бу масала Совет қошидаги барча доимий комиссияларда синчиклаб ўрганиб чиқилди. Масалан, халқ маорифи бўйича доимий комиссия район маориф бўлими мудираси А. Тўраеванинг, соғлиқни сақлаш бўйича комиссия — район санитария ва эпидемиология станциясининг бош врачи А. Эйдуснинг шу ҳақдаги ҳисоботлари тингланди. Шундан кейин ҳар бир депутат маълум бир объектга бириктирилди. Уларнинг куч-ғайрати туфайли қисқа муддатда катта ҳажмдаги тайёргарлик ишлари амалга оширилди.

Шу кунларда шаҳар ташқарисида ташкил этилган олтита, шаҳар ичида очилган 10 та пионерлар лагери, иккита меҳнат ва битта ҳарбий спорт лагери шунингдек, ЖЭКлар қошида 22 та соғломлаштириш майдонлари ишлаб турибди. Депутатларнинг амалга оширган ишлари туфайли ёз давомида Киров райони меҳнаткашларининг 3700 дан ортиқ фарзанди мароқли дам олади.

▲ СОВЕТЛАР ФАОЛИЯТИДАН

ТАДБИРЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Октябрь район ижроия комитети мажлислар залига район Совети қошидаги ўн учта доимий депутатлик комиссияси ҳамда олтита депутатлик группасининг раислари, раис ўринбосарлари ва секретарлари йиғилишди.

БУГУН

депутатлар район хўжалигининг 1978 — 1979 йилнинг кузги-қишки мавсумида ишлашга тайёргарлиги юзасидан вазифалар тўғрисида»ги масалани муҳокама этдилар. Бу масала юзасидан район ижроия комитети раисининг ўринбосари Е. П. Пальчиков доклад қилди.

Доимий комиссиялар ҳамда депутатлик группаларининг аъзолари район Советининг навбатдаги сессияси муҳокамасига қўйиладиган ушбу масала юзасидан тайёргарлик олиб бориш тўғрисида аниқ тадбирлар планини белгилаб олишди.

ТАРБИЯГА КОМПЛЕКС ЁНДОШАЙЛИК

Чилонзор район партия комитетида район бошланғич партия ташкилотлари секретарларининг семинари бўлиб ўтди. Семинар қатнашчилари район партия ташкилотларининг меҳнаткашларни ғоявий-сиёсий, меҳнат ва ахлоқий тарбиялашга комплекс ёндошишни амалга ошириш бўйича вазифаларини муҳокама қилдилар. Семинарда Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитетининг секретари М. Ф. Солдатов сўзга чиқди.

ШВЕЦИЯ ҚИРОЛИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА БЎЛИШИ

Швеция қироли Карл XVI Густав ва қиролича Сильвия Ўзбекистон билан танишиб бўлдилар. Улар СССР Олий Совети Президиумининг таклифига биноан расмий визит билан Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турибдилар.

Олий мартабали меҳмонлар 13 июнда кун бўйи Самарқанд билан танишдилар. Улар тарихий ва архитектура ёдгорликларини янги уй-жой қурилиши районларини бориб кўрдилар. Бутуниттифоқ қоракўлчилик илмий-тадқиқот институтида, Р. Р. Шредер номидаги боғдорчилик-узумчилик ва виночилик илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг Самарқанддаги филиалида бўлдилар.

Швеция қироли ва қироличаси ҳамда уларнинг ҳамроҳлари шу куни Тошкентдан Ленинградга жўнаб кетдилар. Швеция, Совет Иттифоқи ва Ўзбекистон ССРнинг давлат байроқлари билан безатилган аэропортда олий мартабали меҳмонларни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. М. Матчонов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. С. Абдалин, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосари А. Р. Хўжаев, бошқа расмий кишилар, Ўзбекистон пойтахти меҳнаткашларининг намояндалари кузатиб қолдилар.

(ЎзТАГ).

телетайп лентасидан

● **УЛАН — БАТОР. Монголияда маҳаллий ҳокимият органларига — аймоқ, шаҳар, район ва сомон хуралларига сайлов ўтказилди. Ишчилар синфи, қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари ва меҳнаткаш зиёлиларнинг энг яхши намояндаларидан 15 мингдан кўпроқ киши депутатликка номзод қилиб кўрсатилди.**

Монголия меҳнаткашлари сайловни хўжалик ва маданий қурилишда янгидан-янги муваффақиятлар билан кутиб олдилар. Чунончи, саноатда дастлабки беш ойнинг план топшириқлари 3.2 процент ошириб бажарилди. Уч ойдан кўпроқ вақт давом этган сайловолди кампанияси монгол халқининг ўзининг жанговар марксчи-ленинчи авангарди бўлган Монголия Халқ революцион партияси теварагига маҳкам жипслашганлигини, Совет Иттифоқи билан, бошқа социалистик мамлакатлар билан қардошларча дўстлик ва бирликни бундан буён ҳам мустаҳкамлашга интилаётганлигини намойиш қилди.

● БАЙРУТ. Исроил маъмурлари босиб олинган араб территорияларида манзилгоҳлар қуриш программасини тез суръатлар билан амалга оширишни давом эттирмоқдалар. Иордан дарёсининг ғарбий соҳилидаги Наблус районида бундай ишлар айниқса жадал олиб борилмоқда. Бу ерда мавжуд манзилгоҳларни кенгайтириб, шаҳарга айлантириш мўлжалланмоқда. Илгари бу жойда арабларнинг бир неча қишлоғи жойлашган эди. Сўнгра исроилликлар бу қишлоқларни вайрон қилиб ташладилар, ерларни эса маъмурлар мусодара қилдилар.

● **ДЕҲЛИ. Ҳиндистоннинг Мадхья-Прадеш штатидаги Бастар ва Сургужа округларида янги боксит конлари топилди. Бу конларда 60 миллион тонна боксит запаси бор, деб тахмин қилинмоқда. Бу ердаги руда таркибида кўп миқдорда гилмоя бор. Гилмоя эса алюминий ишлаб чиқариш учун асосий хом ашё ҳисобланади.**

● ТЕҲРОН. Эроннинг кўпгина районларида жазирама иссиқ бўлмоқда. Форс қўлтиғи соҳилида ҳавонинг ҳарорати соясида Цельсий ҳисоби билан 51 градусга чиқди. Офтоб уриши натижасида 8 киши ҳалок бўлди.

Эрон матбуотининг ёзишича, мамлакатда 20 йилдан бери бунчалик жазирама иссиқ бўлмаган.

●

ОБЪЕКТИВДА — ҒАРБИЙ АФРИКА.

Сенегалнинг пойтахти — Дакар. Бу шаҳар Африканинг ўзига хос манзараси ҳамда замонавий архитектура ансамбллари билан кўзни қувонтиради.

Л. КУЗНЕЦОВ фотоси.
ТАСС фотохроникаси.

●



МЕҲНАТДА ПЕШҚАДАМЛАР

Озода Тўлаганованинг номини ҳамма ҳурмат билан тилга олади. Чунки, бу моҳир тикувчи узоқ йиллардан бери Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида самарали меҳнат қилиб келади. У ишлаётган 6-цех чеварлари цехлараро бошланган социалистик мусобақада ғолиблик қилишяпти. Коллектив беш йилликнинг учинчи йили топшириқларини муддатидан илгари адо этишга аҳд қилган.

Озода Тўлаганова эса шу кунларда ўн биринчи беш йиллик ҳисобига маҳсулот топширмоқда.

* * *

Абразив комбинатининг пайвандчиси Жаъфар Фиратовнинг аҳди шахсий йиллик план-топшириқларини СССР Конституциясининг бир йиллиги нишонланадиган кунгача бажаришдир. Коммунистик меҳнат зарбдори деган юксак номга сазовор бўлган бу ишчи шу кунларда келгуси йил ҳисобига ишламоқда. У беш йиллик планини уч ярим йилда бажариш учун жонбозлик кўрсатяпти.

СУРАТЛАРДА: (чапда) Озода Тўлаганова (ўнгда) Ж. Фиратовни кўриб турибсиз.

М. Нуриддинов фотолари.

ЙИЛЛИК ПЛАН— МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

● Мажбуриятлар изидан

Киров ва Собир Раҳимов районлари мусобақаси

ИЛҒОРЛАР ТАЖРИБАСИ—БАРЧАГА

Киров ва Собир Раҳимов районлари саноат ходимлари беш йилликнинг учинчи йили учун қабул қилинган социалистик мажбуриятларни ва мусобақа шартномасини бажара бориб, йилнинг беш ойи мобайнида планга қўшимча 6,4 миллион сўмлик маҳсулот бердилар. Бу мажбуриятда белгилангандан 314 минг сўмлик кўпдир. Бундан ташқари фақат муқобил планлар ҳисобига Собир Раҳимов райони саноати меҳнаткашлари қўшимча 1 миллион сўмлик буюм бердилар.

Мамлакат халқ хўжалиги топшириққа қўшимча талайгина муҳим буюмларга эга бўлди. Жумладан, июнь ойи ҳисобига буюртмачиларга топшириққа қўшимча 72 та пахта сеялкаси, учта подбор машинаси, 38 та компрессор станцияси, 520 минг сўмдан кўпроқ устки ва ички трикотаж буюмлари, 1 миллионта пишган ғишт ва бошқа маҳсулотлар бердилар.

Районларнинг меҳнат коллективларида Челябинск трубопракат заводи коммунистик меҳнат коллективининг 1978 йилни — меҳнатга коммунистик муносабат ҳаракатининг 20 йиллигини муносиб кутиб олиш бўйича чақириғини қизгин қўллаб-қувватлашди. Ишлаб чиқариш новаторлари ижодий меҳнат намунасини кўрсатиб, шу йилнинг ўртасидаёқ ўнинчи беш йилликнинг шахсий планларини бажаришни мақсад қилиб қўйишди. Кўпгина ишлаб чиқариш коллективлари эса СССР Конституцияси кунигача уч йиллик топшириқни бажаришга аҳд қилишди.

Беш йилликнинг илғорлари бўлган бу кишилар кимлар? Бу— «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг тўқувчиси Шоира Ҳолмуҳамедова ва Анна Гладкова, асбобсозлик заводининг прессчиси Николай Гарбунов, «Ўртоқ» фабрикаси карамель участкасининг машинисти Жамила Бузрукхонова, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг тикувчи-мотористкаси Алла Кимдир. Бу— «Миконд» заводининг йиғувчи-приборсозлари Зайтуна Каттабекова ва Неля Швейко, чинни заводининг сараловчиси Барно Ёдгорова, кўнгалантерея фабрикаси галантерея цехи йиғувчиси Насиба Исмоилова ва бошқалардир. Буларнинг намунаси зўр кучдир. Улар ҳозир 1981 йил ҳисобига меҳнат қилишяпти.

Бу — «Тошкент» ёғочни қайта ишлаш ишлаб чиқариш бирлашмаси, тўқимачилик-галантерея ва кўнгалантерея буюмлари фабрикалари, ирригация бўйича Давлат махсус конструкторлик бюроси, «Турист» ишлаб чиқариш-маиший комбинати, 14-рельс пайвандлаш поезди ва бошқа ўнинчи беш йилликда ишда юксак кўрсаткичларга эришиб, 1978 йилнинг 7 октябрига қадар уч йиллик топшириқни бажаришга аҳд қилган коллективлардир.

«Миконд» заводи приборсозларининг «Беш кунлик топшириқ— тўрт кунда» ташаббуси ҳам кенг қулоч ёйди.

Корхоналарнинг ишчилари КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг 1978 йил планини тўла ва ошириб бажариш учун социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдириш ҳақидаги мактубига амалий жавоб бериб, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, тежамкорлик режимини кучайтириш учун курашни кенгайтиришди.

Булар ҳаммаси саноат, транспорт ва алоқа корхоналарининг ишлаб чиқариш-иқтисодий фаолиятида юксак натижаларга эришиш имконини берди. Мусобақадош районларда қолоқ корхоналар йўқ.

Кўпгина коллективлар техника янгиликларини жорий этишни жадаллаштириб, сўнгги йилда ишлаб чиқариш ва маҳсулот реализацияси ҳажмини 10 — 20 процентга оширдилар. Булар қаторида агрегат, чинни заводлари, «Технолог» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Тошкент» мебель бирлашмаси, «Тошкент» ёғочни қайта ишлаш бирлашмаси, тажриба-ипак йигирув, кенг истеъмол буюмлари фабрикалари, «Турист» ишлаб чиқариш-маиший комбинати ва бошқа корхоналар бор.

Бу корхоналарнинг коллективлари беш ойлик топшириқни муддатидан илгари адо этиб, маҳсулот реализация қилиш ва муқобил планларни бажариш бўйича социалистик мажбуриятларни анча ортиғи билан адо этдилар. Жумладан фақат «Тошкент» ёғочни қайта ишлаш бирлашмаси ва «Узглавстройдревпром»нинг дурадгорлик буюмлари заводи беш ой мобайнида қўшимча, муқобил план ҳисобига 910 минг сўмлик маҳсулот бердилар.

Шу билан бирга ҳали ҳамма корхоналар ҳам мавжуд резервлардан тўла фойдаланишди, деб бўлмайди. Экскаватор ремонти ва металл-фурнитура заводлари меҳнат унумдорлигини юксалтириш бўйича планни уддалашолмади. Тамаки фабрикасида сигарет-папирос цехида уч бригада планни ўлда-жўлда қолдирди. Бу ерда малакали машина созловчилар етишмаяпти. Металлни қайта ишлаш бирлашмасида 22 ишчи, металл-фурнитура заводида 38 киши ойлик топшириқни уддалай олмади.

Қурилиш материаллари саноати бирлашмаси, темир-бетон буюмлари заводи маҳсулот таннархининг анча қимматлашиб кетишига йўл қўйишди.

Ишнинг манфаатлари илғорлар тажрибасидан тўла фойдаланишни, тежамкорлик режимини кучайтиришни, оз маблағ ва куч сарфлаб, кўплаб юқори сифатли маҳсулот тайёрлашни талаб этади.

1978 йилнинг январь— май ойлари кўрсаткичлари	Киров райони	Собир Раҳимов райони
Маҳсулот реализация қилиш бўйича планнинг бажарилиши (процентларда)	104,1	103,0
Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича планнинг бажарилиши (процентларда)	104,8	103,6
Ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг ўсиш суръати (процентларда)	105,2	107,1
Меҳнат унумдорлиги бўйича планнинг бажарилиши (процентларда)	103,5	102,7
Меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан (процентларда)	103,5	104,4
Меҳнат унумдорлигининг ортиши ҳисобига ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши (процентларда)	67,9	63,4
Планни бажармаган корхоналар:		
а) реализация бўйича бажармаган (минг сўм ҳисобида)	—	—
б) ишлаб чиқариш ҳажми бўйича	—	1
в) меҳнат унумдорлиги бўйича	—	2
Маданий-маиший моллар ишлаб чиқариш (планга нисбатан процент ҳисобида)	105,3	102,9
Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан маданий-маиший моллар ишлаб чиқариш суръатининг ўсиши (процентларда)	104,3	110,1
Планни бажармаган:		
— цехлар	2	—
— участка ва бригадалар	14	1
— ишчилар	367	180
Қурилиш-монтаж ишларининг бажарилиши (марказлашган молиявий манбалар) 1978 йилнинг январь-апрель ойлари кўрсаткичлари (процентларда)	93	82
Турар жойни фойдаланишга топшириш, ярим йиллик планга нисбатан (процентларда)	29	34

● *Республика бўйлаб*

МОНТАЖ ҚИЛИНЯПТИ

Нишон районининг марказида қурилаётган пахта тозалаш заводида ускуналар монтаж қилина бошланди. Завод ишга туширилгач, бир йилда 60 минг тоннага қадар ингичка толали пахтани қайта ишлаб бера олади.

●

ОРОЛ СОҲИЛИДА

«Аральское взморя» дам олиш уйи бу йилги мавсумда ўз кучоғига ўтган йилдагидан тўрт баравар кўп — 200 дам олувчини қабул қилди. Бу ерда, Мўйноқдан сал нарироқда, ўнта қулай коттеждан иборат янги комплекс қурилди.

●

СУНЪИЙ ЯЙЛОВЛАР

Уст-Юртдаги минг гектардан ортиқроқ саҳро яйловига озуқа экинлари экилди. Бу ерлар Қорақалпоғистон яйлов хўжалигини кенгайтирди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Қорақалпоғистон филиалининг олимлари саҳро платосида янги яйловларни барпо этиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқишди. Мутахассисларнинг ҳисоб-китоб қилишларича, уларни фойдаланишдан бир йил мобайнида келадиган самара юз минг сўмдан ортиб кетади.

●

БИР КУНДА ИККИ НОРМА

Жиззах районидаги Ҳамид Олимжон номли колхознинг тракторчилари бир йўла саккиз қатор—одатдагидан икки баравар кўп ғўза зараркунандаларга қарши химиявий дори пуркаяптилар. «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг мутахассислари бу ишда уларга ёрдам бердилар. Улар ғўзага ердан туриб дори пуркашда ишлатиладиган ва тракторга ўрнатиладиган агрегатларга тўртта қўшимча пульверизатор қўйдилар. Механизатор меҳнат унумини икки баравар оширувчи бу янгилик районнинг бошқа хўжаликларида ҳам жорий этилмоқда.

(ЎзТАГ).

ЖАҲОН ОЙНАСИ

Империалистлар билан бир лагерда...

Парижда чиқадиган «Африк—Ази» ҳафтаномаси Хитой дипломатиясининг Заирдаги воқеаларга нисбатан тутган позициясига баҳо бериб ўзининг сўнгги сонида қуйидагиларни ёзди: «Пекиннинг йўли ривожланаётган мамлакатлар вакилларининг кескин норозилигига сабаб бўлмоқда». Хитой раҳбарлари, деб илова қилади журнал, империалистлар билан бир лагерга тушиб қолдилар.

Дарҳақиқат. Пекин Америка— Франция— Бельгиянинг Заирдаги интервенциясини маъқуллаб, ҳозиргача кўп марталаб янги мустамлакачиликни ёқлаб келди. Янги мустамлакачилик Африкада халқаро кескинликнинг доимий манбаларини вужудга келтирмоқда ва қитъани яна таъсир зоналарига бўлиб юборишга интилмоқда.

Анголадаги воқеалар вақтида ХХРнинг миллий озодлик ҳаракатига нисбатан тутган ҳиёнаткорона позициясини эслаш кифоя. Ўшанда Пекин МПЛА — меҳнат партияси қонуний ҳукуматини ҳокимиятдан четлаштиришга уриниб кўрган Жанубий Африка Республикаси ирқчилари ва марказий разведка бошқармасининг фитначилари билан иттифоқчи бўлиб қолган эди. Шундан кейин Африка Мугузидаги можарода Пекин халқаро реакция билан якдил бўлди. ХХР Африка Мугузидаги можарода АҚШ ва бошқа империалистик давлатлар билан бирга агрессорга қурол-яроғ етказиб бериб турди. Эндиликда Хитой реакция томонида туриб Заирнинг ички ишларига аралашаётган мамлакатлар билан бир ёқадан бош чиқариб, айни вақтда ўзининг жиноятларини гўё «совет хавфи»ни бартараф этиш тўғрисидаги уйдирмалар билан ниқоблашга уринмоқда.

Советларга қарши бу кампания иштирокчилари бир-бирларини қўллаб - қувватлаётганликларини билиш қийин эмас. Масалан. Вашингтонда гилар «Кремлнинг Африкадаги кирдикорлари» тўғрисида гапирганларида бу гаплар ишонарли чиқиши учун Хитой манбаларини пеш қиладилар. Пекин пропагандаси советларга қарши навбатдаги бўҳтонни тўқиб чиқарганда эса бунинг учун далиллар Американинг реакцион сиёсий арбобларининг нутқларидан олинади.

Гарчи Хитой раҳбарлари ривожланаётган мамлакатлардан келган юқори мартабали меҳмонларни қабул қилган чоғларида миллий озодлик ҳаракати идеалларига ўзларининг содиқ эканликлари тўғрисида баландпарвоз гаплар билан ҳамон жар солаётган бўлсаларда. Пекиннинг сўзлари билангина эмас, ишлари билан ҳам таниш бўлганларнинг биронтаси ҳам бу гапларнинг самимийлигига ишониши амри маҳол. Биз юқорида айтиб ўтган «Африк-Ази» журналининг таъкидлаб ёзишича, ривожланаётган мамлакатларда Хитойнинг обрў-эътибори тушиб кетмоқда. Пекиннинг сиёсати эса чуқур таассуф туғдирмоқда.

ҚАШШОҚЛИК ВА ОЧЛИК

БАҒДОД. «Багдат-обсервер» газетаси қуйидагиларни ёзади: мисрликлар ҳозирги режим ўтказаётган «очиқ эшик» сиёсати мамлакат олдида турган проблемаларни ҳал этишга қодир эмаслигига тобора кўпроқ ишонч ҳосил қилмоқдалар.

1977 йилда, деб давом этади газета, Мисрнинг чет мамлакатлардан қарзи 12 миллиард долларга етди. Бунга кўп жиҳатдан шу нарса сабаб бўлдики, Ғарбдан олинган кредитларнинг асосий қисми жуда юқори процентли (15—18 процент) қисқа муддатли қарзлар эди. Шундай процентларни тез тўлаш зарурати Мисрни янгидан-янги қарзлар олишга мажбур этади. Натижада мамлакат қарз ботқоғига ботиб қолади. Мисрда вужудга келган йирик буржуазия синфи миллион-миллион фойда олмоқда, ваҳоланки, бундан иқтисодий сиёсат оқибатининг асосий машаққатлари меҳнаткашлар оммаси гарданига тушмоқда.

Мисрдаги минимал иш ҳақи ойига 12 фунтга боради, бу эса яшаш учун кифоя қилади деб расмий суратда белгиланган минимумга қараганда бир ярим баравар кам, нарх-навонинг тўхтовсиз ўсиб бораётганлиги эса Миср меҳнаткашларининг оғир аҳволини баттар мушкуллаштирмоқда. Ҳукуматнинг аҳоли меҳнаткаш оммасининг аҳволини яхшилаш учун чоралар кўрамиз, деган ваъдалари оғиздагина қолиб кетмоқда.

«Очиқ эшик» сиёсати, деб хулоса қилади газета, аслида мамлакатда капитализмни қайта тиклашга қаратилгандир. Эндиликда кичик бир тўда бойлар турмушнинг ҳамма неъматларидан ҳузур қилаётган бир пайтда, меҳнаткаш халқ эса очлик ва қашшоқликдан азоб чекмоқда.

Ваъдага хилоф

НЬЮ-ЙОРК. Америка ҳукумати ўзининг илгари берилган ҳамма ваъдаларига қарамай, Хитойга асбоб-ускуна сотиш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу ерда эътироф этишларича, ана шу асбоб-ускуна ҳарбий мақсадларда фойдаланилиши мумкин. Бу қарор, деб қайд этади «Нью-Йорк пост» газетаси, атиги бир йил муқаддам эълон қилинган ниятларига мутлақо зиддир. Хитойга ҳарбий техника етказиб беришни жадаллаштириш тўғрисидаги қарор, деб давом этади газета, АҚШ президентининг миллий хавфсизлик масалалари билан шуғулланувчи ёрдамчиси З. Бжезинскийнинг Пекинга қилган сафаридан кейин қабул этилди.

Маълумки, З. Бжезинскийнинг ана шу сафар вақтида ва шундан кейин айтган ва Қўшма Штатларни советларга қарши сиёсат ўтказишга ҳамда «совуқ уруш» замонларига қайтишга даъват этувчи гапларини АҚШнинг ўзида ҳам, Ғарбий Европа мамлакатларида ҳам бир қанча обрўли сиёсий арбоблар кескин қоралаган эдилар.

ZUM SCHUTZ VON FREIHEIT UND DEMOKRATIE
FÜR DIE AUFLÖSUNG DER SS VERBÄNDE
GEGEN DIE REHABILITIERUNG DES NAZISMUS

Жаҳон прогрессив жамоатчилиги ГФР ва бошқа қатор мамлакатлардаги неонацистик группаларнинг фаолиятини кескин қораламоқда. Қаршилик кўрсатиш ҳаракати курашчиларининг 87 миллий ва халқаро ташкилотлари вакиллари Кельнда (ГФР) бўлиб ўтган фашизмга қарши манифестацияда қатнашдилар. Унинг 20 минг қатнашчиси байроқлар, плакатлар ва транспарантлар кўтариб шаҳар кўчаларидан ўтдилар ва митинг ўтказиладиган жойга йўл олдилар.

СУРАТДА: Ноймаркт майдонида митинг пайти. В. Глухов фотоси. ТАСС фотохроникаси.

„ТОШКЕНТ ОҚШОМИ"ДА БОСИЛГАНДАН КЕЙИН

«ҚАЧОН ҚОРАСИНИ КЎРСАТАДИ»

28 апрелда босилган юқоридаги сарлавҳали материалда Акмал Икромов районидаги Шодлик кўчасига ахлат машина қиё боқмай қўйгани кўрсатилган эди.

Олинган жавобда кўрсатилишича, бу масала ҳал этилган, ахлатни вақтида олиб кетиш юзасидан назорат ўрнатилган.

«ЧЎЗИЛГАН ИШ»

Газетанинг 19 май сонида буюртмачи топширган уст-бошни тозалаш муддати чўзилиб кетгани танқид қилинган эди. «Химчистка» фабрикасидан олинган жавобда бу ишда айбдор бўлган ходимлар Г. Ҳакимова ва М. Зобировалар қаттиқ огоҳлантирилгани, цех бошлиғига эса виговор эълон қилингани маълум этилди. Ишда нуқсонларга йўл қўймаслик чора-тадбирлари кўрилган.

„ТОШКЕНТ ОҚШОМИ" ВА „ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ"

НАЗОРАТ ПОСТИ

БАҲОНАГА ЎРИН ЙЎҚ

ЁКИ «ЖИЛСТРОЙ» ТРЕСТИ 3-ЙИРИК ПАНЕЛЛИ УЙСОЗЛИК КОМБИНАТИНИ РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИШГА НИМА ТЎСҚИНЛИК ҚИЛЯПТИ?

Ҳар йили юзлаб тошкентлик оилалар янги уйларга кўчиб ўтаётгани ҳаммага маълум. Аммо турар жойларга эҳтиёж ортиб боряпти. Шу боисдан ҳам 3-йирик панелли уйсозлик комбинатини реконструкция қилишга катта аҳамият берилмоқда. Реконструкция ишлари ниҳоясига етгач, бу ерда йилига 280 минг квадрат метр турар жойга етадиган панеллар ишлаб чиқариш имкони вужудга келади.

Корхонани реконструкция қилиш ишини бош пудратчи — 159-трест ва унинг бўлинмалари олиб бормоқда. Шунингдек, объектда шаҳардаги кўпгина ёрдамчи пудратчи ташкилотларнинг коллективлари ҳам меҳнат қилишяпти.

Буюртмачи — заводнинг капитал қурилиш бўлими реконструкция ишининг бориш суръатидан мамнун эканлигини яширмади. Буни исботлаш учун капитал қурилиш бўлимининг бошлиғи Ю. Райхель бизга жуда кўп «яхши рақамларни» келтирди. Биринчи ишлаб чиқариш корпуси кенгайтирилмоқда, 2-корпус тикланяпти. Айни пайтда тайёр маҳсулотлар омборхонаси ҳам бунёд этиляпти. Шунингдек, асосий ишлаб чиқариш объекти— қуввати 100 минг кубометр бетон қориштиришга тенг бўлган бетон цехи қад ростляпти. 2.500 тонна ҳажмга эга бўлган цемент омборхонаси қуриляпти. 1978 йилда 3.5 миллион сўмлик капитал маблағ ўзлаштириш планлаштирилган. Шу йилнинг ўтган беш ойи мобайнида 1 миллион 708 минг сўмлик иш бажарилди.

— Демак, ҳамма иш жойида кетяпти экан-да?— дея сўрадим капитал қурилиш бўлимининг бошлиғидан.

— Энг асосий камчилик,— дея жавоб берди Ю. Райхель.— технологик ускуналарнинг етишмаётганлигидадир. Шу туфайли объектда монтаж ишлари судралмоқда. Бунинг учун ускуналарни етказиб беришни таъминлай олмаётган «Союзстройкомплект» ташкилотини айбдор деб ҳисобламоқ керак. Албатта бош пудратчи ва ёрдамчи пудратчи ташкилотларнинг ишларида ҳам камчиликлар бор. Аммо бу камчиликлар арзимаган камчиликлар бўлиб, иш давомида ҳал қилиниб боряпти.

Капитал қурилиш бўлими бошлиғининг келтирган факт ва рақамлар қанчалик ишончли бўлишига қарамасдан, унинг айтган сўзларида қандайдир бир хушёрликка чорловчи маъно бор эди. Ю. Райхель ўз ташкилотида бўлаётган жанжалларни ташқарига чиқаришни истамасди. Эҳтимол қурилиш ва монтаж ташкилотлари раҳбарларини танқид қилиш билан уларнинг аччиғини келтириб қўйишни истамаётгандир? Айни пайтда буюртмачининг ўз ишларидаги камчиликлар ҳақида ҳеч нарса дейилмаганлиги ҳам кишини ҳайратга солади. Кейин буюртмачининг ўзининг ҳам 3-йирик панелли уйсозлик комбинатини реконструкция қилишда юз бераётган камчиликларда «ҳиссаси» борлиги маълум бўлди.

Заводни реконструкция қилишда 159-қурилиш трестининг бир неча қурилиш бошқармалари ишламоқда. 10-қурилиш бошқармаси ишлаб чиқариш бўлимининг бошлиғи В. Фукс аввал бизга қатор рақамларни келтирди. Жумладан, шу йилнинг ўтган беш ойи мобайнида қурилиш-монтаж ишлари плани 156 процентга бажарилди. Ўз кучлари билан иш бажариш плани эса бундан ҳам кўп — 215 процент адо этилди. Албатта камчиликлар ҳам бор. Бунинг учун апрель ойида план 94 процент бажарилганлигини эслаб ўтиш кифоя. Шунингдек, ишлаб чиқариш суви сақланадиган резервуарни бунёд этиш, иссиқлик трассасини ўрнатиш ишлари ҳам уддаланмади.

Хулоса қилиб айтганда бу ердагилар ҳам ишнинг боришидан мамнун эдилар. 3-йирик панелли уйсозлик комбинатини реконструкция қилиш штабидагилар 10-қурилиш бошқармасининг иши ҳақида бошқача фикрда. Бу бош пудратчи ҳамма вақт ҳам ишни ташкил қилишда ташаббус кўрсатаётгани йўқ. Раҳбарларнинг совуққонлиги туфайли жуда кўп вақт бекорга ўтмоқда. Шунингдек, улар коллективни асосий участкаларга жалб қилишда ҳам хатоларга йўл қўйишяпти.

Ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, шу жумладан, «Сталмонтаж» бошқармасининг раҳбарларига ҳам жиддий эътирозлар айтиш мумкин. Икки ой мобайнида 200 тоннага яқин металл конструкцияси сочилиб ётди. Шунга қарамасдан «Сталмонтаж» раҳбарлари ҳар сафар монтаж ишларини бошлашга қандайдир бир баҳона ўйлаб топишди. Монтаж ишларини дарҳол бошлаш кераклиги ҳақидаги қатъий кўрсатмадан кейин улар ишга киришдилар.

«Главташкентстрой» тажриба экспериментал-механика заводи (бошлиғи Б. Дегтярь) металл конструкцияларини етказиб бериш графигига ҳамиша ҳам амал қилаётгани йўқ. Масалан, ҳозирга қадар ҳам 2-ишлаб чиқариш корпусида ўрнатиладиган ускуналар комплектлаштирилмаган. Цемент омборхонаси, иссиқлик трассаси ва 1-асосий ишлаб чиқариш корпусига ҳам металл конструкциялари етказиб берилмаган. График бўйича конструкциялар май ойида етказиб берилиши керак эди. Мана июнь ойи ҳам ўтиб бормоқда. Лекин конструкциялар 3-йирик панелли уйсозлик комбинатига ҳанузгача етказиб берилгани йўқ.

Йирик панелли уйсозлик комбинатини реконструкция қилиш ишларини орқага суришга «Стромпроект» илмий текшириш институти (директори С. Иброҳимов, бош инженер Э. Петросян) ҳам ўзининг «улуши»ни қўшмоқда. Улар томонидан амалга оширилган лойиҳаларнинг сифати жуда паст. Айни пайтда лойиҳа ҳужжатларини топшириш муддатлари ҳам қўпол равишда бузилмоқда.

Буюртмачининг ўз ишидаги камчиликларини ҳам эслаб ўтиш лозим. Бу ерда гап капитал қурилиш бўлимининг бошлиғи эслатиб ўтган майда фактлар устида кетаётгани йўқ. Балки объектни ишга тушириш муддатининг чўзилишига сабаб бўлаётган фактлар ҳақида сўз бормоқда. Жумладан, комбинатга 400 метрли темир йўл тармоғи зарур. Ёрдамчи пудратчи «Таштрансспецстрой» трести 71-қурилиш бошқармаси коллективи ишга киришиши учун бош пудратчи панель деворларини Бухоро ва Фарғонага жўнатиб, унга майдон ҳозирлаб бериши зарур. 3-йирик панелли уйсозлик комбинати ҳозирга қадар бир қанча ускуна ва мосламаларни ўрнатиш ишларини ҳал қилиш масаласини ечолгани йўқ. 2-асосий ишлаб чиқариш корпусининг тўртинчи пролёти ускуналардан бўшатилгани йўқ. Шу боисдан ҳам қурувчилар ишга киришолмаяптилар. Шунингдек, қурилиш таъминоти омборхонасини бунёд этиш учун лозим бўлган жой ҳам ҳозирлангани йўқ. Моддий-техника таъминоти омборхонасини бунёд этиш графиги бузиляпти. Чунки буюртмачи лойиҳа ҳужжатларини кеч етказиб бермоқда. Қисқа қилиб айтганда қурувчи ва монтажчиларнинг 3-йирик панелли уйсозлик комбинатига бўлган эътирозлари жуда кўп.

159-трест бўлинмаларининг қурувчилари томонидан амалга оширилаётган ишларнинг моҳиятини камситирмоқчи эмасмиз. Жумладан, улар шу йилнинг ўтган беш ойи мобайнида анча иш бажаришди. Аммо яна кўпроқ ишлар амалга оширилиши лозим. Шунинг учун ҳам бу ерда ташкилотчилик ишларини юқори поғонага кўтариш, хўжасизликка барҳам бериш даркор. Қатъий интизом, тартиб бўлгандагина камчиликлар бўлмайди. Бошқарма, участка, цех раҳбарлари ўзларига ва бошқаларга бўлган талабчанликни оширишлари лозим. Ана шунда 3-йирик панелли уйсозлик комбинатини реконструкция қилиш ишлари ўз вақтида ва сифатли қилиб ниҳоясига етказилади.

А. БРОНШТЕЙН.

ТО СПРАВКАЛАР БЮРОСИ

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

А. ЭРГАШЕВ: Мен фақат куз ва қиш мавсумида ишлайдиган корхонага ишга кирган эдим. Икки ой ишлагандан сўнг касал бўлиб, шифохонада даволандим. Менинг касаллик варақамга қандай тартибда ҳақ тўланади?

Жавоб: Иш вақтида жароҳатланган ва касб касаллигига учраган мавсумий ишчи ва хизматчиларга нафақа умумий асосда тўланади.

Бошқа сабаблар билан вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотган мавсумий ишчи ва хизматчиларга, агар кейинги бир йил давомида уч ой ёки икки йил давомида ўн ой ишлаган бўлса нафақа тўланади. Лекин нафақа тўланадиган муддат 75 календарь кундан ортиқ бўлмайди.

* * *

Н. УСМОНОВ: пенсияга чиққанман, лекин давлат идораларидан бирида хизмат қиламан. Меҳнат отпускамдан ташқари ўз ҳисобимдан қўшимча отпуска олишга ҳаққим борми?

Жавоб: Ўзбекистон ССР Меҳнат тўғрисида қонунлар кодексининг 90-моддасига биноан, маъмурият ишчи ва хизматчига оилавий шароити ёки бошқа узрли сабабларга кўра иш ҳақи тўланмаган ҳолда қисқа муддатли отпуска бериши мумкин. Отпуска муддати ишлаб чиқариш имкониятини ҳамда ходимнинг отпуска олишига сабаб бўлган вазиятни ҳисобга олган ҳолда маъмурият томонидан белгиланади. Бундай отпуска бериш маъмуриятининг қонуний вазифаси эмас, балки унга берилган ҳуқуқдир. Баъзи ҳолларда ишлаб чиқариш имкониятидан келиб чиқиб, бундай отпуска берилмаслиги ҳам мумкин.

* * *

Р. ЭРГАШЕВА: Тошкент кир ювиш фабрикасидан аҳоли уйларига келиб кирларни қабул қилиб олиш каби хизмат усули йўлга қўйилган экан. Бунинг учун қаерга мурожаат қилиш мумкин?

Жавоб: Чиндан ҳам гапингиз тўғри. Фабрика коллективи аҳолига қулайлик туғдириш мақсадида хизматнинг ана шундай усулини ҳам йўлга қўйди. Бунинг учун сиз 78-40-34 ёки 78-16-20 рақамли телефонларига қўнғироқ қилишингиз керак. Белгиланган вақтда фабрика хизматчиси буюртмачи уйига боради ва буюртмани қабул қилиб олади. Кирларни қабул қилиб олишга берилган буюртма ва уларни фабрикага олиб келиш учун 25 тийин тўлаш керак.

КЎЧА ТАСОДИФЛАРГА ТЎЛА

ГАИ АХБОРОТИ

Бу воқеа кеч соат бешларда бўлди. Пойтахт Давлат автоинспекциясининг навбатчи наряди йўл тасодифи содир бўлган жойга кета туриб, кўча четидаги дарахтга келиб урилган ГАЗ—24 маркали 90—46 ТНЖ автомобилини кўриб қолди.

Тормоз ишламай қолди, деди ҳайдовчи Тоҳир Орипов бу урилишнинг ҳамда пассажирларнинг шикастланганлигига сабаб кўрсатиб. Мен айбдор эмасман.

Тоҳир ёлғон гапирган эди. Синчиклаб текширилганда тормоз системаси созлиги маълум бўлди. Ҳодисанинг сабаби —Орипов томонидан йўл қонунининг бузилганлигидадир. У Шота Руставели кўчасида кела туриб уни кесиб ўтган 2-проезд Шота Руставели кўчаси яқинига келганда йўл ҳаракати қоидалари талабига хилоф равишда тезликни камайтирмади. Шунда олд томонида тўхтаб турган автомобилга келиб урилишдан қочиб, рулни шартта буриб юборди ва кўча четидаги дарахтга бориб урилди.

Қоидабузар Давлат автоинспекциясининг маъмурий комиссиясига юборилди.



Нефть ва газ саноати корхоналари қурилиши министрлигининг буюртмаси билан Москва архитектура институтининг олимлари 25, 50, 75 ва 100 кишига мўлжалланган одатдан ташқари тўрт хил поселка лойиҳасини яратдилар. Бу поселкаларнинг блок-уйлари барча қулайликларга эга. Уларни қисмларга ажратиб турли жойларга кўчириш мумкин.

СУРАТЛАРДА: 75 кишига мўлжалланган поселканинг макети; алоҳида бир блокнинг кўриниши. ТАСС фотохроникаси.

Меҳнат жасорати магистрали

Трасса узра вертолётлар

«МИ-8» вертолётлари Байкал-Амур магистрали трассасидаги Шимолий Муя тоннелининг ғарбий ва шарқий порталларига шошилинч юкларни элтиб бермоқда.

Граждан авиацияси Шарқий Сибирь бошқармасининг вертолётчилари 1974 йил 2 май куни БАМда биринчи рейсга чиқиб, Усть-Кутдан Таюрага қурувчиларни элтиб қўйишган эди. Энди эса Ульканагача темир йўл ётқизилди. Вертолётчилар БАМ ғарбий участкаси қурила бошлангандан буён 83 мингдан кўпроқ кишини ташидилар, трассага қарийб 22 минг тонна юкни элтиб бердилар. Ҳозирги вақтда вертолётчилар асосан Бурятия АССР билан Чита областига қатнашмоқда.

Комсомол-ёшлардан иборат экипажларнинг ҳаммаси магистрал қурувчиларига жуда яхши хизмат қилиш учун мусобақалашмоқдалар. Уларга махсус путёвкалар ва «Биринчи навбатда, шошилинч» деган топшириқлар берилган. Вертолётчилар профессионал маҳорат, ишбилармонлик, мардлик, интизомлилик намуналарини кўрсатмоқдалар. Трасса ветерани — «МИ-8» вертолётининг командири Л. Мухин Шимолий Муя тоннелининг шарқий қисмига мунтазам учиб туради. У қидирувчиларни Нижне Ангарск-Муя тоғли тайга участкасига, ленинградлик қурувчиларни олис Чарага элтиб қўйган эди. Яқинда вертолётчи III даража Меҳнат Шуҳрати ордени билан мукофотланди.

●

Магистрал тарихи

БАМ қурилиши тарихи музейи РСФСР Маданият министрлиги ҳамда тарих ва маданият ёдгорликларини қўриқлаш Умумроссия жамияти марказий кенгаши президиумининг медали ва дипломи билан мукофотланди. Музей коллективи қурувчиларни коммунистик руҳда тарбиялашда актив иштирок этмоқда, коммунистик партия билан совет ҳукуматининг мамлакат шарқий районларини иқтисодий жиҳатдан жадал ривожлантириш тўғрисидаги қарорларини пропаганда қилмоқда.

Музейнинг марказий бўлими ўртоқ Л. И. Брежневнинг Сибирь ва Узоқ Шарқ районларига қилган сафари вақтида магистрал қурувчилари билан учрашувига бағишланган. Экспозицияда 1974 йил апрелида ВЛКСМ XVII съездидан тўппа-тўғри қурилишга келган кишиларнинг комсомол йўлланмаларини кўриш мумкин. Чиройли қилиб безатилган стендлар БАМ станциясида сўнгги пўлат из ётқизилиши, Тиндага биринчи поезднинг келиши тўғрисида ҳикоя қилади.

●

Поездлар Беркакитга қатнамоқда

Тинда-Беркакит трассасида поездларнинг иш ҳаракати очилган пайтдан буён охирги станцияда уч минг вагон бўшатилди.

Якутияда жойлашган Нагорная, Золотинка ва Беркакит станцияларида йил бошидан буён кичик БАМ орқали 1 миллион тоннадан зиёд юк ташиб келтирилди. Ана шунча юкни автомашиналарда ташиш учун анча кўп вақт керак бўлар эди.

Бу ҳали ишнинг бошланиши: йилнинг охирига бориб темир йўл доимий фойдаланишга топширилади. Ҳозирча составлар Беркакитгача муваққат қурилган айланма линия орқали ярим нагрузка билан қатнамоқда. Лекин август ойида поездларнинг Нагорная тоннели орқали иш ҳаракати очилгач, составлар тўла нагрузка билан қатнай бошлайди.

Йўлнинг очилиши Жанубий Якутия территориал-ишлаб чиқариш комплексининг энг муҳим объектларидаги қурилиш ишлари суръатини кучайтиришга ёрдам берди. Бор-йўғи икки йил муқаддам ҳувиллаб ётган кимсасиз тайгада эса Беркакит ва Золотинка темирйўлчилари учун 4 — 5 қаватли уйлар қад кўтармоқда.

●

Посёлка қад кўтармоқда

Сулук станциясини барпо этаётган «Хабаровск-трансстрой-БАМ» қурилиш-монтаж поездининг ёш ишчиларидан 30 киши янги ётоқхонага кўчиб ўтди. Ётоқхонада бир-икки кишилик шинам хоналар, кенг заллар, қизил бурчак бор. Иссиқлик пухта изоляция қилинганлиги туфайли уйда ҳатто 60 градусли совуқлар ҳам сезилмайди.

●

Музларни ёриб

Қуруқ юк ташувчи «Клара Цеткин» кемасининг командири А. Ланин кемаларнинг биринчи карвонини бепоён музликлар орқали Шимолий Байкалга муваффақиятли ўтказди.

Бу ерда, Бурятиянинг шимолида, Байкал-Амур магистралининг техника жиҳатидан энг мураккаб участкаси қурилмоқда. Ишлар бошланган биринчи кунларданоқ дарёчилар қурувчиларнинг ишончли ёрдамчилари бўлиб қолдилар. Навигация даврида Нижнеангарскдаги ва Северобайкальск шаҳри қурилаётган Нурли бурунидаги портлар 200 минг тоннадан кўпроқ юкни қабул қилиб олади.

Бу ўтган йилдагидан анча кўп. Байкал дарёчиларида яна бир адрес—Кичера дарёси соҳилида Кичера темир йўл станциясини барпо этишни бошлаб юборган ВЛКСМ XVIII съезди номли Бутуниттифоқ зарбдор комсомол отряди ҳам пайдо бўлди.

●

Гранитнийдаги биринчи кўча

Байкал-Амур магистрали ғарбий участкасининг 284-километрида барпо этилаётган посёлкани Гранитний деб аташди. Бу ерда, Байкал тоннелининг ғарбий қисмида, қурувчилар истиқомат қилмоқдалар.

Посёлка тобора кенгаймоқда. Гранитнийда биринчи кўча пайдо бўлди, ошхона очилди, болалар боғчаси ва нонвойхона қуриб битказилмоқда.

(ТАСС).

Саломатлик ҳақида суҳбатлар

◎ ШИФОКОР ҚАБУЛИДА

Хорея қандай хасталик?

КЎПЧИЛИК кишилар бод касаллиги фақатгина қўл ва оёқлар бўғинларига таъсир қилиб уларни шиширади ва оғриқ беради, айрим вақтларда юрак мускулларига ҳамда юрак қопқоқларига таъсири натижасида уларни қингир-қийшиқ қилиб юрак порогига олиб келади, деб тушунадилар. Ваҳоланки, марказий нерв системасининг зарарланиши ва унинг хасталаниши бод касаллигида тез-тез учраб туради. Айрим вақтларда бод касаллиги фақат асаб системасигагина таъсир қилмасдан, балки юракка ҳам таъсир этади ва унинг ишлаш қобилиятини сусайтиради, ундаги қон айланишини бузади. Кўпинча қон айланишининг бузилиши асаб системасини янада кўпроқ бузилишига олиб келади. Бод касаллиги кўпинча бош мия ости тугунчаларини зарарлайди, уларнинг ишлаш қобилиятини бузиб беихтиёр қимирлаш, яъни хорея деган хасталикни келтириб чиқариши мумкин.

Хўш, хорея касаллиги нима? Бу касаллик қандай ҳолларда учраши мумкин? Бу касални оқшомхонга содда тушунтириш учун бир мисол келтирмоқчиман.

Бир куни қабулхонага ўрта яшар аёл кириб келди, ранги озгина оқарган ва асабийлашган эди. «Келинг, ўтиринг» — деб стулга таклиф қилдим. У аёл ўтириши билан ҳўнграб йиғлаб юборди.

— Нима бўлди, тушунтиринг?..

— Менинг ўн тўрт яшар қизим оғир касалга учраб қолди, илтимос, уни кўрсангиз, — деб бошлади у сўзини: — Бундан бир ҳафтача илгари ишдан келсам, қизим ўзини ёмон сезганлигини айтиб, бош оғриғидан шикоят қилди. Мен, ўзи чарчаган бўлса керак, деб кўпда эътибор бермадим, кейинги кунларда баъзан юзини қийшайтириб, гоҳ кўзини юмиб, бир куни овқат еяётганда пиёлани хонтахтадан туртиб тушириб юборди, бу аҳволни кўриб, олдинига касаллигига ишонмай уришиб ҳам бердим. Илгари одобга чақирганимда, ортиқча ўйинларини тезда тўхтатиб қўяр эди. Ҳозир эса, бундай қаттиқ одобга чақиришимга қарамасдан, қилиқлари кун сайин зўрайиб боряпти. Ўқиши ҳам пасайиб боряпти. Хулқи ёмонлашганидан ўқитувчилари ҳам шикоят қилишяпти. Кейинги икки кун мобайнида қўл-оёқларида ихтиёрсиз ҳар хил қимирлашлар пайдо бўлгандан сўнг, қизимнинг ҳақиқий касаллигига иқрор бўлдим, дарҳол сизга келдим, деди беморнинг онаси.

Кўриниб турибдики, бундай касаллик болалар ўртасида, айниқса қиз болаларда кўп учраб туради. Кўпчилик кишилар кам эътибор бериш орқасида касални кеч, айрим пайтларда жуда ўтказиб, оғирлашган вақтдагина врачга даволашга олиб келишади.

Бу касаллик маълум бўлса ҳам, кўпчилик ота-оналар кам билишлари натижасида хасталикни авжига чиқариб юборадилар. Хорея касаллиги болаларда бўладиган бод касаллигининг бир тури бўлиб, бош мия ости тугунчаларининг яллиғланиши орқасида келиб чиқади.

Бу касаллик кўпинча ёш ва ўсмир (8—16) болалар ўртасида учраб туради, касаллик аломатлари секин-аста бошланиб, биринчи бошланиш даврида, болалар озгина сержаҳл ва ўжар, айрим пайтларда бош оғриғи, уйқуси бузилганлигидан ва хотира пасайганлигидан шикоят қила бошлайдилар. Марказий нерв системасининг иши бузилиши натижасида ўқиши ва хулқи пасаяди. Шундай аломатлар қаторида энг муҳими ихтиёрсиз ҳар хил ҳаракатлар пайдо бўлишида, айниқса юз мускулларида тез ўтадиган ҳар хил кўз юмиш, юз қийшайиши, баъзан тилини кўрсатиш ҳоллари, қўл-оёқларида, айниқса бармоқларида шундай беихтиёр ҳаракатлар пайдо бўлади. Бундай ихтиёрсиз ҳаракатлар натижасида болаларда нормал юриш-туриш бузилиб, баъзан қўлидаги нарсаларни атрофга иргитиб юбориши ҳам мумкин.

Юқорида айтилган қўл-оёқдаги ва юздаги ихтиёрсиз ҳаракатлар бола озгина асабийлашса, ғазабланса ва ҳар хил салбий, ҳаттоки ижобий эмоциялар вақтида ҳам кучайиб кетиши мумкин. Бемор юрган вақтда у ёқ-буёққа қалқиб, баъзан эгилиб, қийшайиб, ўзини ушлолмай, атрофдаги нарсаларга ҳам урилиб кетиши, ҳаракатнинг бундай кўплигидан оёқ-қўлларида оғриқ пайдо бўлиши, баъзан девор ёки атрофдаги турган нарсаларга урилишлари натижасида беморнинг қўл-оёқлари жароҳатланиши мумкин, кейинчалик жароҳатланган ерда яра пайдо бўлиб, қисман касалликни узайтириши мумкин.

Касалликнинг оғир формаларида беморнинг қўл-оёқларидаги мускуллари бўшашиб кетиш орқасида ўрнидан туролмайди, турса ҳам атрофдаги кишилар ёрдамида туриши, ҳаттоки овоз мускуллари бўшаши натижасида гапириши ҳам бузилади. Бундай ҳолларда бемор гапини тушуниш қийин бўлиб қолади, яъни бир сўз иккинчи айтилган сўз билан қўшилиб кетиши натижасида гапираётган сўзи очиқ-ойдин тушунарли бўлмайди.

Хорея касаллиги кўпинча томоқ оғригандан кейин бошланади, айрим вақтда сурункали томоқ оғриқ вақтида ҳам учрайди. Бир марта хорея касали билан оғриган болаларда бу касаллик яна қайталаниши мумкин. Шунинг учун беморда касалликнинг аломатлари пайдо бўлиши биланоқ дарҳол тегишли мутахассисларга мурожаат қилиш лозим. Бемор вақтида шифокорга кўрсатилмаса, тез кунлар ичида касаллик аломатлари зўрая бориб, сурункали ҳолатларга ҳам ўтиши мумкин.

Хорея касаллигининг олдини олиш ва вақтида даволаш катта аҳамиятга эга. Бундай ҳолларда бод касалининг олдини қандай қилиб олинса, хорея касаллигига ҳам шундай чоралар кўриш лозим. Демак, болаларнинг ёшликдан организмини мустаҳкамлаш: шамоллаш ва ҳаво ўзгаришига, умуман ташқи муҳитнинг салбий таъсирига нисбатан чиниқтириш лозим.

Албатта бу чиниқтиришда кун тартибини тўғри ташкил этиш ва организмни ақлий ҳамда жисмоний чиниқиши муҳимдир. Агар боланинг томоғи тез-тез оғриб турса, яъни ангина билан касалланаверса, уни дарҳол томоқ-қулоқ ва бурун касаллиги врачига кўрсатиб, улар билан маслаҳатлашиб даволаш лозим. Бундай даволашлар албатта хорея касаллигининг олдини олиш тадбирларидан бири ҳисобланади.

Агар касаллик бошланиб қолса, бундай беморларни албатта касалхоналарда даволаган маъқул, чунки беморга керак бўлган барча медицина тадбирларини уй шароитида яратиб бўлмайди. Бемор касалхонага олиб келингунга қадар қўл-оёқларида ихтиёрсиз ҳаракатлари бошланган бўлса ёки кундан-кунга кўпайиб борса, бундай ҳолларда беморни ўринга ётқизиб, атрофига юмшоқ кўрпача ёки ёстиқчалар қўйиш даркор. Шунда беморнинг қўл-оёқлари қимирлаганда атрофдаги нарсаларга урилмайди. Мабодо, юқорида айтилган тадбирлар қилинмаса, қўл ёки оёқ урилиши натижасида танада, қўл-оёқларда пайдо бўлган яралар йиринглаб беморда сепсис, яъни организмда қоннинг заҳарланишига олиб келадиган хасталик пайдо бўлиб беморнинг аҳволини ёмонлаштириши мумкин.

Хулоса шуки, биз юқорида айтган хорея касаллигининг аломатлари пайдо бўлиши биланоқ уни тегишли мутахассис, яъни бола асабини даволовчи врачларга тезда кўрсатилса беморнинг даволанишига, касалликнинг асоратсиз ўтиб кетишига ёрдам берган бўласиз.

Ш. ШОМАНСУРОВ,

Тошкент Давлат врачлар малакасини ошириш институти болалар асаб касали кафедрасининг мудири, медицина фанлари доктори, профессор.

● *Нашриёт туҳфаси*

«ИЧАК КАСАЛЛИКЛАРИДА ПАРҲЕЗ»

«Соғлом одам учун кунига 3— 4 маҳал, ичак касалликлари бор беморлар учун эса кунига 6—7 маҳал овқатланиш тавсия этилади». Б. Сандовнинг «Ичак касалликларида парҳез» деган китобида беморларнинг овқатланишлари, кун режимлари ва даволанишлари ҳақида худди шу сингари бир қатор маслаҳатлар берилган.

●

«МЕДИЦИНА ВА ДИНИЙ ХУРОФОТЛАР»

Кишиларимизнинг сиҳат-саломатликларини сақлаш, узоқ умр кўришларини таъминлаш учун партия ва ҳукуматимиз барча ғамхўрликларни яратганлар. Лекин илмий медицина шундай ривожланган бир пайтда баъзи кишилар табиб, дуохон, фолбин, афсунгар каби қаллоб қисмаларга ўз дардларини «даволат»моқчи бўлиб борадилар, оқибатда кўнгилсиз воқеалар юз беради. Медицина фанлари кандидати О. Азизхўжаев ва Ғ. Ҳидоятовларнинг «Медицина ва диний хурофотлар» китобчасида шу ҳақда мисоллар билан ҳикоя қилинган. Унда ҳозирги замон медицинасининг ютуқлари ва гипноз тўғрисида маълумотлар берилган. Бу китобларни «Медицина» нашриёти чоп этди.

Тошкент Давлат врачлар малакасини ошириш институтининг физиотерапия ва курортология кафедраси ассистенти Мавжуда Алимова бир группа врачлар билан янги медицина приборларидан фойдаланиш бўйича машғулот ўтказмоқда. М. Нуриддинов фотоси.

● *Оқшомхон илтимоси*

ҚАБЗИЯТНИНГ ДАВОСИ

Мен кўпдан бери қабзият касаллигидан азият чекаман. Бу қандай касаллик? Уни даволаш йўллари борми?

М. ШАҲБОЗОВ.

Қабзиятга яхши ҳазм бўладиган, чиқити кам овқатлар истеъмол қилиш, ичакнинг нерв аппарати зарарланиши, баъзи бир юқумли касалликлар, заҳарланиш, жигар хасталиги кабилар сабабчи бўлади. Булар орасида овқатланишда истеъмол қилинадиган маҳсулотларга алоҳида эътибор бериш керак. Чиқити кўп бўлган маҳсулотлар: қора нон, мева ва сабзавотлар ичакнинг ҳаракатланишига яхши таъсир қилиб, қабзиятнинг олдини олади. Шунинг учун бундай беморлар оқ нон, печенье, гўштли шўрвалар, гуручли овқат кабиларни камроқ еб, кўпроқ қора нон, асал, сабзи, олма, узум, айниқса туршакни кўп истеъмол қилишлари керак. Икки кун сақланган кефир, простокваша ва қимиз ичиш ҳам баъзи кишиларга яхши ёрдам беради.

Қабзиятнинг баъзи бир турларига биз юқорида айтган маслаҳатлар зарар бериши ҳам мумкин. Чунки бундай кишиларда ичаклар жароҳатланган бўлиб, юқоридаги маҳсулотлар кучли таъсир қилади ва беморнинг дардини оғирлаштириб юборади.

А. АМИНОВ,

медицина фанлари кандидати.

СЎРАГАН ЭКАНСИЗ...

ГАЗЕТХОН САВОЛЛАРИГА ЖАВОБ

Ф. ШАМСИЕВА: Ҳурматли редакция! Болаларда учраб турадиган дифтерия касаллиги ҳақида ва уни даволаш йўллари тўғрисида маълумот берсангиз.

Жавоб: Чиндан ҳам дифтерия болалар учун жуда хавфли юқумли касаллик ҳисобланади. Унинг турлари кўп бўлиб, томоқ дифтерияси, ҳиқилдоқ дифтерияси, бурун, киндак жароҳати, тери, кўз дифтериялари шулар жумласидандир.

Касалликни туғдирувчи микроб — дифтерия таёқчаси чиқарган заҳар организмни қаттиқ заҳарлаб, ҳаётий муҳим органларга зиён етказади. Томоқ дифтерияси баъзан иситмалаш ва томоқнинг сал-пал оғриши билан бошланади. Боланинг овози бўғилади, у аҳён-аҳёнда хириллаб йўталиб қўяди. Бурун дифтериясида бурун пардалари боланинг нафас олишига ҳалақит беради. Тери дифтериясида жароҳат ҳалеганда битмай, гунгурт бўзранг парда билан қопланади. Инфекция кўзга тушганда, кўз қовоқлари шишади, кўз йиринглайди.

Дифтерия ва кўк йўталга қарши эмлаш бир вақтда ўтказилади: биринчи эмлаш (уч марта) боланинг беш ойлигида, такрор эмлаш (бир марта) бир ёшу икки ойлигида, уч ёшида, етти ва ўн икки ёшида ўтказилади.

Дифтерия бўлган беморларга махсус зардоб эмланади. У дифтерия заҳарининг емирувчи таъсирини тўхтатади. Зардоб қанча эрта эмланса, касаллик шунча енгил ўтади. Касалликнинг дастлабки аломатларини ота-оналар билиб олиши керак, шундагина улар вақтни қўлдан бой бермай, беморни врачга ўз вақтида кўрсата оладилар. Бола касалхонага жўнатилгач, уйда яхшилаб дизенфекция ўтказилади.

Дифтерия микроби соғлом кишиларнинг оғзида ёки бурнида баъзан узоқ сақланади. Бундай кишилар бацилла тарқатувчилар деб аталади. Шунинг учун ҳам беморга яқин юрган кишилар медицина текширувидан ўтказилади. Бу чора-тадбир болалар коллективини юқумли касалликдан сақлашга ёрдам беради.

* * *

Р. ҲИДОЯТОВ: Яқинда мен бир журналда температуранинг геморрагик кўтарилиши ҳақида ўқиб қолдим. Хуш, геморрагик иситма қандай касаллик ўзи? Шу ҳақда маълумот берсангиз.

Жавоб: Геморрагик иситма —температура кўтарилиши, тери остига ва ички органларга қон қўйилиши билан давом этадиган вирусли касалликларнинг бир гуруҳидир. Унинг олти тури бор. Жумладан, кана орқали юқадиган ва биринчи марта 1944 йилда Қримда қайд қилинган тури Ўрта Осиё республикалари билан Жанубий Қозоғистонда онда-сонда учраб туради. Касаллик вируси юмронқозиқ, дала сичқони ва бошқа кемирувчиларда бўлиб, улар одамга турли йўллар билан юқади.

Касаллик аксари қалтираш, иситмалаш, қўсиш, бош оғриғи, дармон қуриши билан бошланади, баъзи беморларнинг бурни ҳам қонайди. Айрим аъзолар, жумладан буйраклар зарарланади, шу сабабдан бел қаттиқ оғриб, беморга тинчлик ва уйқу бермайди. Беморни даволаш муассасасига уринтирмасдан олиб бориш керак, чунки силкиниш натижасида бирон орган ёрилиб кетиши мумкин. Геморрагик иситманинг олдини олиш учун кемирувчиларни қириш, озиқ-овқатни берк идишда сақлаш керак.

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Мамлакатимизда юздан кўпроқ қишлоқ хўжалик олий ўқув юртлари ва уларнинг 12 та филиали бор. Буларнинг аксарияти бу йил кўпроқ студент қабул қилади.

— Кундузги бўлимларга 59 мингдан зиёд ва сиртқи бўлимларга 40 минг студентни қабул қилиш кўзда тутилади. Бу — ўтган йилдагига қараганда анча кўпдир, — деди СССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги олий ва ўрта қишлоқ хўжалик таълими бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари И. П. Макаров ТАСС мухбирига.

Инженерлик ва экономистлик ихтисосларига ўсиб бораётган талаблар ҳисобга олинмоқда. Дарвоке, бу ихтисослар ёшларга манзур бўлмоқда. Ёшларнинг келгусидаги иши қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини механизациялаш ва электрлаштириш билан биохимия ва биофизика билан, иқтисодий кибернетика, гидромелиорация билан боғланган. Янги ихтисослар орасида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини автоматлаштириш, сув хўжалиги экономикаси ва уни ташкил этиш, қишлоқ қурилиши ихтисослари бор. Мамлакатнинг бир қанча олий ўқув юрти биринчи марта қишлоқ ҳунар-техника билим юртлари ва техникумлар учун инженер ўқитувчилар тайёрлаб чиқара бошлайди. Мутахассисларни тармоқлар бўйича тайёрлаш кенгайтирилади. Жумладан, ветеринария врачларини Херсон области ва Мордва АССР учун, инженер-гидромелиораторларни Якутия ва Бурятия, Воронеж ва Киров областлари учун, ер тузувчи инженерларни Тожикистон ва Туркманистон учун тайёрлай бошлайдилар.

Олий ўқув юртларида жами 37 ихтисос бўйича таълим берилади. Қабул қилиш қоидалари асосан аввалгисидек қолади. Колхоз ва совхоз стипендиантларини олий ўқув юртларига қабул қилиш кўпаймоқда. 1977 йилда улар ўқишга қабул қилинган жамики студентларнинг 33 процентини ташкил этди. Бу йилдан бошлаб СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги системасининг корхоналари ва қурилиш ташкилотлари ҳам стипендия тўлаб, ёшларни ўқишга юбориш ҳуқуқини оладилар.

Қишлоқ хўжалик олий ўқув юртларига тайёрлов бўлимларига 11 мингга яқин киши қабул қилинади. Булар асосан қишлоқ аҳолисидир. Машғулотлар бошланишига қадар 14 қишлоқ хўжалик олий ўқув юртида янги ўқув корпуслари очилади.

физкультура ва СПОРТ

• *Саломат бўлай десангиз...*

Доимий севимли машғулотим

Мен 1971 йилда «Ҳаваскор югурувчилар клуби»га келганимдан кейингина енгил кийимда машқ қилишга киришдим. Клубдаги тажрибали кишилар ва врачларнинг маслаҳатлари асосида машқ қила бошладим. Клуб врачлари Зильберштейн ва Матвеевларнинг кўрсатмаларига қатъий амал қилган ҳолда аста-секин машқларни мураккаблаштириб бордим. Айни пайтда киши организмини чиниқтиришга ёрдам берувчи бошқа машқлар билан ҳам шуғуллана бошладим. Орадан кўп ўтмасдан ҳар куни эрталаб туриб машқ қилиш одат бўлиб қолди. Агар бирон бир сабабга кўра машқ бажармаган кунда ўзимни нохуш сезадиган бўлиб қолдим.

Бир соат ва ундан кўп вақт мобайнида югуриш билан шуғулланишни организмни чиниқтиришга ёрдам берувчи бошқа машқларни бажариш билан қўшиб олиб бордим. Орадан икки ойлар чамаси ўтгандан кейин совуқ сув билан ювинишга киришдим. Бу машқни мен терлаб турган вақтимда амалга ошира бошладим.

Одатда ёз ойларида узоқ масофага югурганимдан кейин совуқ сув билан ювинардим. Аста-секин мен бу машқни куз, қиш ойларида ҳам очиқ ҳавода бажаришга кўника бошладим. Шундан кейин саломатлигим анча яхши бўлиб қолди. Ўзимни жуда яхши ҳис қила бошладим.

Шунда ёшлик йилларимда жисмоний тарбиянинг киши организмини чиниқтиришга кўрсатадиган фойдасини тушунмаганлигимдан жуда афсусландим. Озгин ва узоқ йиллар давомида касалманд бўлиб қолишимга ҳам шу нарса сабаб бўлган эмасмикан деган фикрга келдим.

«Инсон ҳар қандай ёшда, ҳар қандай вақтда ҳам жисмоний тарбия билан шуғулланиб, ўз саломатлигини мустаҳкамлашда ижобий натижаларга эришиши мумкин». Академик Н. Амосовнинг бу сўзлари ниҳоятда катта мазмунга эга эканлигига ўз тажрибамда ишонч ҳосил қилдим.

60 ёшимда ГТО комплекси нормативини муваффақиятли бажардим. Худди шу 60 ёшим нишонланадиган йилда Тошкентдан Чирчиққача бўлган масофани уч соату етти минутда тўхтамасдан югуриб ўтишга эришдим.

Ўтган йиллар давомида «Ҳаваскор югурувчилар клуби» аъзолари билан бирга Тошкентдан Чирчиққача бўлган масофани олти марта югуриб ўтдим. Ҳар йили ташкил қилинаётган Тошкент—Олмалиқ, Тошкент—Ангрен, Тошкент—Янгийўл, Тошкент—Оққўрғон, Тошкент—Фрунзе—Олмаота, Тошкент—Қўқон—Фарғона—Андижон—Наманган, Тошкент—Самарқанд—Бухоро, шунингдек Тошкент—ҳалқа йўли бўйлаб югуришларда иштирок этяпман.

Шу ўринда Қора денгиз соҳилларида юракни ва организмни чиниқтириш бўйича амалга оширган машқларимнинг фойдасини таъкидлаб ўтмоқчиман. Мен бу ерда йўл шароити, иқлим ва денгиз сувидан омилкорлик билан фойдаландим. Худди шу ерда 1974 йилнинг сентябрь ойида биринчи марта 42 километр масофага югуришга муваффақ бўлдим. Аммо, бу масофага югуришда менинг ёшимдагилар рекорд натижаси олмасликлари аниқ эди. Шунга қарамасдан бу масофани тўрт соату 37 минутда тўхтамасдан босиб ўтишга муваффақ бўлдим.

1977 йилнинг декабри ва 1978 йилнинг январь ойларидаги Москвада организмни чиниқтириш бўйича ўтказган машқларим жуда фойдали бўлди.

Бу ерда машғулот ўтказишга қулай бўлган меҳмонхонага жойлашганимдан кейин ҳар куни эрталаб Ленин хиёбонининг қорли йўлкалари бўйлаб югуриш билан шуғулландим. Ҳарорат 7—8 даражадан 18—20 даражагача совуқ эди. Енгил кийимда югуришнинг фойдаси нимада? Совуқ ҳарорат одамнинг бардам бўлишига ёрдам беради. Организм чиниқади. Шунинг учун ҳам машқни бажариб бўлганимдан кейин яна қор билан қопланган боғда 30—40 минут қолиб кетардим. Меҳмонхона олдида жисмоний машқларни бажарардим.

Соф ҳавода узоқ муддат юрганимдан кейин танамни қор билан ишқалардим. Бу машқни мен совуқ қотгунимча давом эттирардим. Кейин меҳмонхонага кириб ювинардим. Худди шу ерда организм қобилиятини синовдан ўтказишнинг фойдали усулини топдим. Аввал совуқ сувда ювиниб, кейин дарҳол иссиқ сув билан ювина бошладим. Буни беш-олти марта такрорлардим.

Ким ҳам саломат бўлишни истамайди, дейсиз? Бунга эришиш учун кўп нарса қилиш керак эмас. Куч ва иродани йиғиб жисмоний машқлар билан шуғулланиш бўйича кўникма ҳосил қилиш лозим. Афсуски ҳозир ҳам орамизда жисмоний машқларнинг фойдасига ишонмайдиганлар учраб туради.

Мен бу ерда ўзим шуғулланаётган машқларнинг тафсилотини мақтаниш учун келтирганим йўқ. Айрим нотўғри тушунчали кишиларнинг «маслаҳатларига» амал қилиб жисмоний тарбия билан шуғулланмасдан муддатидан анча олдин турли касалликларга чалинган кишиларни кўрганимда бевосита уларга маслаҳат бергим келади. Бундай кишилар даволаш муассасаларида кўп бўлиб хилма-хил дорилар билан даволанишади. Худди шундай кишилар мени назаримда жисмоний тарбия, биринчи навбатда, югуриш билан шуғулланишлари лозим.

Шаҳримизда «Ҳаваскор югурувчилар клуби» ишлаётганига етти йил бўлди. Шаҳар аҳолиси клуб аъзолари қўлга киритган кўпгина муваффақиятларнинг гувоҳи бўлишди. Бу ҳақда «Тошкент оқшоми» газетасида 20 мартда махсус саҳифа берилди. Бу саҳифа материалларида клубда амалга оширилаётган ишлар батафсил очиб берилган.

Югуришнинг фойдаси ҳақидаги фикримни мамлакатимизга машҳур бўлган Н. Амосовнинг «Ҳамма, айниқса 40—50 ёшга кирган кишилар ўз саломатликлари ҳақида жиддий ўйлаб кўришлари лозим. Улар қатъий хулосага келиш олдидан ўзларининг турмуш тарзи ва қандай ишни бажараётганликларини ҳисобга олишлари керак», деган фикри билан якунламоқчиман.

Хусусан ўзим ҳақимда гапиргудек бўлсам, ҳозир 65 ёшга тўлиб, худди 15—18 ёшли йигитлардек тетиклигим учун жисмоний тарбиядан миннатдорман.

Дўстлар, сизлар ҳам бу ҳақда жиддий ўйлаб кўринглар! Саломатлик — бу халқ бойлиги демакдир!

А. ЛУТФУЛЛАЕВ,
«Ҳаваскор югурувчилар клуби» президиумининг аъзоси.

СУРАТДА: шаҳримиздаги «Динамо» спорт жамияти бокс секцияси ёш боксчиларининг машғулот пайти тасвирланган.

М. Нуриддинов фотоси.

• *Ёз мавсуми: қандай дам оляпсиз?*

ОРОМ МАСКАНИ МАВСУМНИ БОШЛАДИ

(РЕПОРТАЖ)

Туристик база ҳовлисига кирганимизда бир гуруҳ болаларнинг қувноқ даврасини кўрдик. Уларнинг кўзларида қувонч, лабларида табассум.

— Биз Қирғизистондан келганмиз, — деди улардан бири.

— Тошкентга биринчи марта келишимиз,— деб гапга қўшилди Шойбек исмли бола.— Шаҳар бизга жуда ёқиб қолди.

Марказий болалар экскурсия-туристик станцияси қошидаги туристик база ёзги мавсумни катта тайёргарлик билан бошлади. Бу ҳақда туристик база директори Юсуф Болтаев шундай деди:

— Бу болалар куни кечагина келишди. Асосий группаларни эса шу ҳафтадан бошлаб қабул қиламиз. Базамизда ремонт ишлари поёнига етказилди. Волейбол, баскетбол ва теннис майдончалари тартибга келтирилган.

Мавсумда ҳаммаси бўлиб иттифоқимизнинг турли жойларидан келган 4500 дан ортиқ болалар меҳмонимиз бўлишади. Ҳар бир группанинг саёҳатчилари эса базада беш кун бўлиб, шаҳар бўйлаб экскурсияларга чиқишади. Пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойларини томоша қилишади. Деярли барча музейларда бўлишади.

Дарҳақиқат, туристик базага келган ёшларни кўнгилли экскурсиялар ва қизиқарли учрашувлар кутмоқда. Саёҳатчиларга С. Каримов, Т. Рўзметова каби тажрибали методистлар экскурсоводлик қилишади. Улар турли республикалардан келган болаларга Тошкент шаҳри меҳнаткашларининг революцион анъаналари, ҳозирги кунда меҳнатда эришаётган ютуқлари ҳақида сўзлаб берадилар. Базанинг ўзида турли миллат вакилларининг фарзандлари иштирокида дўстлик кечалари ўтказилади. Шаҳар мактабларининг ўқувчилари билан учрашувлар уюштирилади.

Қардош Қирғизистондан келган туристик группа раҳбари В. М. Золочко сафардан мамнун эканлигини гапириб берди:

— Биз Тошкентга тунда келишимизга қарамай жуда яхши кутиб олишди. Ҳозирнинг ўзида В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалида, Халқлар дўстлиги ва амалий санъат музейларида бўлдик. Айниқса, шаҳар архитектураси ўзининг ранг-баранглиги билан болаларни мафтун этди.

База маъмурияти меҳмонларга шаҳар театрларининг спектаклларини томоша қилиш имкониятини яратиб бермоқда. Биринчи группа болаларини Тошкент Давлат циркига қилинган сафар ғоят хурсанд қилди. Улар қизиқарли цирк томошаларини мириқиб кўришди.

Саёҳат-роҳат. Шаҳримизнинг болалар туристик базаларида ёз бўйи ёш саёҳатчиларнинг қувноқ кулгуси, бахтиёр ёшликни тараннум этувчи қўшиқлари янграб туради.

М. МУРОДОВ.

САҲРОДА АТИРГУЛ

Шувоқ, янтоқ ҳам зўрға униб ўсадиган сувсиз Манғишлоқ ярим оролида атиргул яшнаб кетди. Шевченко гулзорида ўсаётган атиргуллардан баҳраманд бўлиш учун илгари ажойиб гуллар тўғрисида қўшиқларгина куйланган Лоис овулларнинг аҳолиси келмоқда.

Қозоғистон ССР Фанлар академиясининг Олмаотадаги марказий ботаника боғи олимлари Манғишлоқнинг зўрға унадиган ўсимликлар оламини бойитишга кўмаклашмоқдалар. Улар атиргулларнинг йигирмадан ортиқроқ янги навларини етиштирдиларки, бу гулларга жазирама иссиқ ҳам, қурғоқчилик ҳам, шамол ҳам қўрқинчлик эмас.

(ТАСС).

БИЛДИРИШ

Ўзбекисон КП Тошкент шаҳар комитети марксизм-ленинизм университетининг дирекцияси маълум қилади: битирувчиларнинг дипломлар топширилишига бағишланган тантанали йиғилиши марксизм-ленинизм университетида, Пушкин кўчаси, 17-уйда бўлади:

идеология кадрлари факультети ва умумий бўлим битирувчилари учун— 21 ва 22 июнь кунлари соат 18 да;

партия-хўжалик активи факультети (бўлимлари бўйича) битирувчилари учун 23 июнь куни соат 18 да, 24 июнь куни соат 11 да.

Яшил қалқон

Иҳота дарахтзорлари далаларни бамисоли ям-яшил қалқондек ҳимоя қилиб турибди. Бу йил мамлакат колхозлари ва совхозлари ўрмон иҳотазорлари 70 минг гектар кўпаяди.

— Далаларнинг атрофидаги дарахтзорлари ҳайдаладиган ерларнинг посбони, — дейди В. И. Ленин номли Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалиги фанлари академияси ўрмончилик ва агро-ўрмон мелиорацияси бўлимининг академик-секретари В. Виноградов ТАСС мухбири билан суҳбатда. — Кўп йиллик тадқиқот натижаларининг маълумотларига кўра, масалан, суғорилмайдиган ерларда иҳота дарахтзорлари ғалла ва кунгабоқар экинларининг ҳосилдорлигини гектар бошига қўшимча равишда 2,1 центнердан 4,2 центнергача ошириш, қанд лавлаги ва сабзавот ҳосилини 60 центнерга қадар, силосбоп маккажўхори ҳосилини 80 центнерга қадар ва кўп йиллик ўт пичанини гектар бошига тўрт центнерга қадар ошириш имкониятини беради. Ўрмон иҳотазорлари қурғоқчилик йилларда ҳам, об-ҳаво қулай келган йилларда ҳам юксак самара беради.

Олимлар эндиликда шамол ўтиб турадиган ўрмон дарахтзорлари барпо этишни афзал кўрмоқдалар. Эман, қайин, терак, тилағоч, ёнғоқ дарахтларни экиб танлаб олинади, қуруқ даштга қайрағоч, оқ акация, шумтол, қумлоқ ерларга қарағай ўтқазилади.

Эски, ўсиб кетган дарахтларни нима қилиш керак? Ахир, бундай дарахтлар хўжаликларда жуда кўп-ку? Бундай дарахтларни бутаб, нафини ошириш мумкин.

Ўрмон дарахтларини ўтқазиш ва парвариш қилишдаги сермеҳнат жараёнларни механизациялашда кўп иш қилинди. Машиналарнинг жуда кўп системалари тайёрландики, улардан фойдаланиш меҳнат унумдорлигини бир ярим-икки баравар ошириш имконини беради.

Редактор ўринбосари
С. Б. ЁҚУБОВ.

---

* РЕКЛАМА * РЕКЛАМА * РЕКЛАМА * РЕКЛАМА *

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 14/VI да **Флория Тоска**, 15/VI да **Оламнинг яратилиши**.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА— 14/VI да **Оқшомдан тушгача**, 15/VI да **Келинлар қўзғолони**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА— 14/VI да **Шаҳзода ва етим қиз**, 15/VI да **Олифта**.

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА— 16/VI да **Лилипутлар ревюсининг гастроллари**— (19.30).

КИНО

14 ИЮНДА

ҚИШКИ БИНОДА

Сўнгги ўқ овози — «ЧАЙКА» (17.30, 19, 20.30, 21.45).
Синаш — «НУКУС» (кечқурун).
Мўйловли энага — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кечқурун).
Идзулик раққоса — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда).
Қойилмақом хаёлпараст—ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ номли (20, 21.30), «КУКЧА» (кечқурун).
Гайдуклар шарафи — ҲАМЗА номли (19, 20.30).

ЁЗГИ БИНОДА

Сўнгги ўқ овози — «ФЕСТИВАЛЬ» (20.45, 22.20).
Транссибирь экспресси —«ХИВА» (20.45, 22.20).

15 ИЮНДА

ҚИШКИ БИНОДА

Сўнгги ўқ овози — «ЧАЙКА» (11.30, 13, 14.30, 16, 17.30, 19, 20.30, 21.45).
Гайдуклар шарафи — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).
Дарвиш Парижни портлатади— ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ номли (12, 14, 16, 18, 20, 21.30).
Алиса энди бу ерда яшамайди— «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда).
Тақдир — «КУКЧА» (кундуз ва кечқурун).

ЁЗГИ БИНОДА

Сўнгги ўқ овози — «ФЕСТИВАЛЬ» (20.45, 22.20).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА
16—25 ИЮНЬ КУНЛАРИ
«ЛИЛИПУТЛАР РЕВЮСИ»НИНГ
ГАСТРОЛЛАРИ

Томошалар соат 19.30 да, шанба кунлари соат 16 ва 19.30 да, якшанба кунлари 12.30, 16 ва 19.30 да бошланади.

Касса соат 10.00 дан 20.00 гача ишлайди.

КОЛЛЕКТИВ БЎЛИБ КЕЛИШ УЧУН ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ф. ЭНГЕЛЬС НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
19 ИЮНЬ СОАТ 10.00 ДАН БОШЛАБ
ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИНИ ЎТКАЗАДИ

Шу куни институт йўналиши ҳақида профессор-ўқитувчилар коллективи билан абитуриентларнинг учрашув ва суҳбатлари бўлади.

Шунингдек, абитуриентларга ўқув кабинетлари, таълимнинг техник воситалари ва кутубхоналар билан танишиш имкони яратилади.

Институт адреси: Тошкент шаҳар, Сапёрлар кўчаси, 11-уй (7, 8, 11, 21, 25-трамвайлар, 9, 3, 11-троллейбуслар ва 9, 18, 54-автобусларнинг «Марказий бозор» бекати).

Картограф-гравёрлар ва чизмачи картографларни тайёрлайдиган
10 ОЙЛИК КУРСЛАРГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ
КУРСЛАРГА 17 — 25 ЁШЛИ 8-10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТГА ЭГА БЎЛГАН ТОШКЕНТЛИК ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқувчиларга — 40 сўмдан стипендия берилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Ҳалқобод кўчаси, 8-уй (2, 3, 16, 22, 23, 25, 28, 29-трамвайлар, 9, 19, 24, 51, 60, 69, 72-автобусларнинг «Қозоғистон» кинотеатри» бекати).

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳунар-техника таълими давлат комитети
ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЯНГИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН
171-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1978— 1979 ўқув йилига
Қуйидаги мутахассисликлар бўйича
ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Бўёқчилар, бўёқчи-альфрейшчиклар, сувоқчилар, қурувчи-дурадгорлар, электромонтажчилар, саноат ускуналарини тузатиш бўйича слесарлар, электр пайвандчилар, ғишт терувчи, монтажчилар, дурадгор-паркетчилар.

Ўқиш муддати— 1-2-3 йил.

Билим юртига 8— 10-синф ҳажмида маълумотли, 15 ва ундан катта ёшда бўлган йигит-қизлар қабул қилинади.

3 йиллик ўқишни тамомлаганларга ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат ва ҳунари бўйича аттестат берилади.

Ўқишга қабул қилинганлар уч маҳал иссиқ овқат, кийим-кечак ҳамда ишлаб чиқариш практикаси давридаги иш ҳақи билан таъминланадилар.

Билим юртини аъло баҳолар билан тугатганлар ўрта ва олий ўқув юртларига имтиёзли шартлар билан қабул қилинадилар.

Кириш ҳақидаги ариза директор номига ёзилиб, қуйидаги ҳужжатлар билан қўшиб топширилади: туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти ҳақидаги ҳужжат, соғлиғи ҳақида справка, 6 дона фотосурат (3х3 см.), турар жойидан справка, мактабдан характеристика, автобиография.

Ҳужжатлар соат 9.00 дан бошлаб қабул қилинади.

Билим юртининг адреси: 700081, Тошкент шаҳар-81, Домбробод кўчаси 74-уй (54, 33, 50, 84, 70, 34, 103, 80-автобусларнинг «16 поликлиника», 16-троллейбуснинг «Домбробод» бекатлари). Телефон: 77-49-53.

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ ТОШКЕНТ ЭЛЕКТРОН ЗАВОДИ ҚОШИДА
ЯНГИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН
196-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
йигит ва қизларни қуйидаги касблар бўйича
ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ярим ўтказгич асбобларини йиғувчи (қизлар), **токарь-универсал (йигит-қизлар), фрезерчи** (йигитлар), **слесарь-асбобсоз** (йигитлар).

Ўқишга Тошкент шаҳрида яшовчи 8—10 синфни битирган йигит ва қизлар қабул қилинади.

ЎҚИШ МУДДАТИ: **8-синфни битирганлар учун 1—2 йил; 10-синфни битирганлар учун 1 йил.**

8-синфни битирганлар 3 маҳал бепул иссиқ овқат ва устки кийим-бош билан таъминланадилар.

10-синфни битирганлар 30 сўм ҳажмида стипендия билан, аълочилар оширилган стипендия билан таъминланади.

Ҳамма ўқувчилар ишлаб чиқариш практикаси давридаги иш ҳақининг 33 процентини оладилар.

Билим юртини аъло баҳода битирганлар ўқишни давом эттириш учун Москва ва Ленинград институтларига, Тошкент политехника институти ва завод қошидаги электромеханика техникумига йўлланма оладилар.

Ўқиш даври меҳнат стажига киради.

Завод ишчиларининг ойлик иш ҳақи ўрта ҳисобда 140—160 сўмни ташкил этади.

Билим юртига кирувчилардан қуйидаги ҳужжатлар талаб қилинади: директор номига ариза, маълумоти ҳақидаги аттестат ёки гувоҳнома (асл нусхаси), таржимаи ҳоли, туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт, соғлиғи ҳақида справка (286-форма), ота-онасининг иш жойидан справка, турар жойидан справка, 2 дона 4х4 см ва 2 дона 3х4 см. фотосурат.

ҚАБУЛ КОМИССИЯСИ ҲАР КУНИ СОАТ 9 ДАН 17.00 ГАЧА ИШЛАЙДИ.

ЎҚИШ 1978 ЙИЛ 1 СЕНТЯБРДА БОШЛАНАДИ.

Бизнинг адресимиз: Тошкент шаҳар, Пролетар кўчаси, 13-уй (2, 25, 60-автобуслар; 1, 10, 11, 13, 16-троллейбуслар; 1, 2, 3, 4, 5, 18, 22, 25-трамвайлар нинг «Дизельная» бекати).

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ҳунар-техника таълими давлат комитети
ЎЗБЕКИСТОН ССР МЕБЕЛЬ САНОАТИ БОШҚАРМАСИ ҚОШИДАГИ
140-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1978—1979 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН
ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ:—**кенг профилдаги ёғочсоз-станокчи** (ўқиш муддати — 1 йил), **дурадгор** (3 йил), **фанерчи** (1 йил), **пардозловчи** (1 йил), **ёғочсозлик ускуналарини созловчи** (3 йил), **прессчи** (1 йил) **бадиий ва моделли мебеллар дурадгорларини** (3 йил) **тайёрлайди.**

Билим юртига 8—10-синф ҳажмида маълумотга эга бўлган 15 ва ундан катта ёшдаги йигит-қизлар қабул қилинади.

3 йиллик ўқишни тамомлаганларга ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат ва ҳунари бўйича аттестат берилади.

Ўқувчилар кунига 3 маҳал бепул овқат, кийим-бош ва ишлаб чиқариш практикаси давридаги меҳнат ҳақининг бир қисми билан таъминланадилар.

БИЛИМ ЮРТИНИ АЪЛО БАҲОЛАР БИЛАН БИТИРГАНЛАР ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА ИМТИЁЗЛИ РАВИШДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

140-ҳунар-техника билим юрти янги замонавий типда қурилган. Билим юрти қошида бадиий ҳаваскорлик тўгараги доим ишлаб туради. Янги типдаги спорт комплекси бор. Унда ҳар хил тўгараклар ишлайди (бокс, енгил атлетика, шахмат-шашка, футбол ва волейбол).

Областлардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Билим юрти директори номига ёзилган аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади. таржимаи ҳоли. туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, турар жойидан справка, 3х4 см. ҳажмидаги 4 дона фотосурат, медицина справкаси.

Машғулотлар — 1 сентябрдан бошланади.

Ҳужжатлар соат 9.00 дан 17.00 гача қабул қилинади.

Билим юрти адреси. Тошкент шаҳар, «Спутник» массиви, 4-квартал (58, 75-автобуслар, 15-троллейбуснинг «Билим юрти» бекати).

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

14 ИЮНЬ— ЧОРШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

17.30 «Сиз яратган боғ». 18.00 «Горячилар, қаердасиз?» 18.30 Янгиликлар. 18.45 «Бола ва қизча». Мультфильм. 18.55 «Фан оламида». 19.25 «Қалбга яқин қўшиқлар». 20.10 «Спортлото» тиражи. 20.20 «Яна Анискин». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 П. И. Чайковский номли VI Халқаро конкурс. Фортепьяно. 1-тур. 22.45 Футбол бўйича жаҳон чемпионати. II финал давраси. Аргентинадан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

17.40 Кўрсатувлар программаси. 17.45 «Ёш куч». Мактаб ўқувчилари учун спорт кўрсатуви. 18.15 «Ўзбек шоирларининг янги таржима қилинган асарлари». Р. Бобожон. 18.45 «Зангори экран» почтаси. 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 «Мерос». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси («Ўзбектелефильм»). 19.40 «Шеърият билан учрашув». Ҳ. Шарипов. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 Ўзбек халқ қўшиқлари. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Қалб кечирмайди». Бадиий фильм. 23.15 Самбо кураши бўйича СССР шахсий чемпионати. «Юбилейный» Марказий спорт залидан репортаж (ёзиб олинган). 24.00 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 М. Горький. «Матвей Кожемякин ҳаёти». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия. (рус.). 20.10 Тошкент янгиликлари. 20.30 Абитуриентлар учун. Биология. 21.00 «Пермь Давлат бадиий галереяси». Телевизион ҳужжатли фильм. 21.10 «Тошкент» телепрограммаси. 21.40 Абитуриентлар учун. Биология (рус.).

15 ИЮНЬ— ПАЙШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.35 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 9.55 «Асл йигитлар». 10.40 «Яна Анискин». Кўп серияли телевизион бадиий фильм 1-серия. 11.45 П. И. Чайковский номли VI Халқаро конкурс. Фортепьяно. 1-тур. 15.30 «Музликлардаги жасорат». Ҳужжатли фильм. 16.40 «Музей ва кўргазма заллари бўйлаб». «Дрезден расмлар галереяси». Германия, Испания, Франция живописи. 17.05 «Шахмат мактаби». Телетомошабинларнинг хатларига жавоблар. 17.35 Қиличбозлик бўйича СССР чемпионати. Львовдан олиб кўрсатилади.

18.05 «Ҳадя этилган саёҳат». Концерт. Болгариядан олиб кўрсатилади. 18.30 Янгиликлар. 18.45 «Ҳамма нарсани билишни истайман». Киножурнал. 18.55 «Мардлик трассаси, ёшлик трассаси». Байкал-Амур магистрали қурувчилари ҳақида. 19.40 Балет ёш артистларининг концерти. 20.20 «Яна Анискин». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Санъат усталари». СССР халқ артисти Г. Менглет. 23.10 Оммавий классик куйлардан концерт. 00.10 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

10.55 Кўрсатувлар программаси. 11.00 «Малишок» программаси. 11.30 «Разведкачилар». Бадиий фильм. 12.45 «Менинг авлодим». Телеспектакль. 2-қисм (рус.).

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Янги эртак». Болалар учун мультфильм. 18.15 ВЛКСМ 60 йиллигига. «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Касбим— фахрим». 18.45 «Халқ контроли экрани» (рус.). 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 «Кино оламида». 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 М. Қориёқубов номли Ўзбек Давлат филармонияси «Шодлик» ансамблининг концерти. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Чорвадор». Қишлоқ хўжалик ходимлари учун кўрсатув. 22.15 «Санников ери». Бадиий фильм. 23.45 Самбо кураши бўйича СССР шахсий чемпионати. «Юбилейный» Марказий спорт залидан репортаж (ёзиб олинган). 00.20 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 Абитуриентлар учун. Физика (рус.). 20.00 Тошкент янгиликлари. 20.20 Реклама. 20.30 «Ичкиликбозликка қарши ўт очамиз» (рус.). 21.00 Совет қўшиқларидан концерт. 21.25 Абитуриентлар учун. Математика.

В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университетининг шарқ тиллари факультети коллективи эрон-афғон филологияси кафедрасининг ўқитувчиси Н. А. Шаматовага онаси

Зулпи
КАРИМОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Республика телевизион техника маркази коллективи кўчма телевизион станциянинг кекса ходими

Жўра
МАВЛОНОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

«Узглавводстрой»нинг «Промгражданстрой» тресті коллективи трест бошқарувчисининг ўринбосари И. И. Иногомовга рафиқаси

Муяссар
ИНОГОМОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700,000; ГСП, Тошкент, Ленин проспекти, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари— 32-53-10; адабиёт ва санъат— 32-56-81; ахборот — 33-28-95, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-58-85. хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими— 38-81-42.

Р—03380. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Нашр Д—1334.